

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЦИКЛИ

**ИИОЛАРНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ БЎЛIM БОШЛИҚЛАРИ,
ТУМАН (ШАҲАР ТАРМОҚ) ИИО БОШЛИГИНИНГ ЎРИНБОСАРИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСИ ЎҚУВ ДАСТУРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ - 2023

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “ИИОларнинг барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар тармоқ) ИИО бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинлаш учун маҳсус малака ошириш курси” тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Э.Э. Марупов

- ИИВ Малака ошириш институти Ахборот технологиялари цикли бошлиғи

Тақризчилар:

Ф.Б. Ачилов

- Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи, доцент

Ш.И. Файзиев

- ИИВ ТКД Киберхавфсизлик маркази бўлими бошлиғи, (PhD), доцент

Ўқув-услубий мажмуа ИИОларнинг барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шаҳар тармоқ) ИИО бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинлаш учун маҳсус малака ошириш курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун ички ишлар органларида фаолиятида қўлланилаётган замонавий ахборот технологиялари, ахборот хуружларининг мазмун-моҳияти, ахборот хуружларини амалга ошириш усуллари, кибержиноятчилик тушунчаси ва унинг заарлари, салбий оқибатлари, кибержиноятчиликка қарши курашиб, киберхавфсизликни таъминлаш, ахборотларни ҳимоя қилиш, ўчирилган файлларни тиклаш, электрон жадваллар устида мураккаб амалларни бажариш ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “___” _____даги “___” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК _____

©Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
Модул бўйича дарслар тақсимоти.....	7
Семинар машғулотлар мазмуни.....	7
2.1-МАВЗУ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	7
2.2-МАВЗУ. АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ФОЙДАЛАНИБ, ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТГА ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	16
2.3-МАВЗУ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, ТУРЛАРИ, ЗАРАРЛАРИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ.....	34
Амалий машғулотлар мазмуни.....	41
2.4-МАВЗУ. АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ТЕХНИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ.....	41
2.5-МАВЗУ. ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛАРДА ФОРМУЛАЛАР ВА ЙИГИШ ФУНКЦИЯЛАРИ.....	61
Тест саволлари.....	65
Глоссарий.....	67
Асосий адабиётлар.....	71

КИРИШ

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, интернет тармоқлари орқали тарғиб этилаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, наркотик моддаларини тарқатиши, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича замноавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш каби янги вазифаларни қўймоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон) муҳим асослардан биридир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 марта «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730-сон, 2014 йил 3 апрелдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг реал секторига янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2158-сон, 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон, 2022 йил 22 сентябрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка карши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-379-сон Қарорлари ҳамда 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 5 майдаги «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон, 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарори асосида тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг устувор вазифаси ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва

малакаларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Хозирги глобаллашув жараёнининг илмий-техникавий соҳада ўзининг таъсирини кўрсатиши ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатда амалиётга жорий этиши, мамлакатимизда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг сифатини янада оширишга туртки бўлмоқда. Бу эса, замонавий ўқитиш технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар тингловчиларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини жадал шакллантиради ҳамда замонавий билимларни тез ва мустаҳкам ўзлаштиришларига замин яратади.

Ходимларни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича комптентлиги таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулоқотга нисбатан етарлича юқори қобиляти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташқи таълимий ахборотларга нисбатан ички шахсий талабларининг мослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қиласди.

“Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш” **модулининг мақсади** ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тингловчиларини янги ахборот технологиялари, уларнинг дастурий воситалари билан таништириб, уларни ўзлаштириш амалиётини йўлга қўйишдан иборат.

“Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш” **модулининг вазифалари** тингловчиларда:

- Компьютер техникасини ишлатиш усуллари;
- Microsoft office дастурлари ва улардан фойдаланиш;
- Замонавий ахборот технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотлари;
- Интернетда ишлаш ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш;
- Шахсий компьютер учун киберхавфсизликни таъминлаш асослари;
- Ахборот хуружлари, мазмун моҳияти, амалга ошириш усуллари;
- Ахборотларни химоялашни ўрганиш;
- Шахсий компьютер дастлабки хавфсизлигини таъминлаш;
- Ахборот хуружлари тушунчаси;
- Кибержиноятчилик, кибертерроризм ва уларга қарши курашиш кўнкимларини ҳосил қилишдан иборат;

Модул бўйича тингловчиларнинг **билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- Компьютер техникаси ва унинг асосий ҳамда қўшимча қурилмаларидан, компьютернинг дастурий таъминотидан фойдаланишни **билиши керак**;
- Ахборотлаштириш обекти характеристикаси ва **тизимга қўйиладиган тартиб талабларидан** фойдаланиш;
- Тизимларни барқарорлиги ҳақида тишинча **талабларини бўлиши** керак;
- Ходимлар амалиётда фуқаролар билан кибержиноятчилик, кибертерроризм ва уларнинг фирибгарлик қурбонига айланмаслиги учун **тарғибот-ташқивот ишларини олиб бориш**;
- Ахборот хуружлари оқибатларида ички таҳдидлари ва ташқи таҳдидлари халқаро майдонда давлатни ва ҳокимият органларинини **обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатлар** тушунилади;
- Ўчирилган файлларни тиклаш ва ўчиб кетган маълумотларни қайтариш усусларини **бўлиши** керак;
- Интернет тармоғида мавжуд ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, ҳамда тармоқда хавфзиз ишлаш бўйича **кўникмаларга эга бўлиши** зарур;
- Мутахассислигидан келиб чиқиб хизмат фаолиятида ахборот технологияларидан фойдалана олиш бўйича **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модул бўйича дарслар тақсимоти:

Т/р	Ўқитиладиган модуллар номи	Жами	Ўқув соатлари				
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Мустакил тайёргарли	Назорат
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш	12	-	6	6	-	-
1	Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот – коммуникация технологияларини жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари	2	-	2	-	-	-
2	Ахборот хуружидан фойдаланиб, ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	2	-	2	-	-	-
3	Кибержиноятчилик: асосий тушунчалари, турлари, заарлари ва салбий оқибатлари.	2	-	2	-	-	-
4	Ахборотларни ҳимоя қилишнинг техник ва дастурний воситалари.	4	-	-	4	-	-
5	Электрон жадвалларда формулалар ва йиғиш функциялари	2	-	-	2	-	-

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ (6 соат)

1-МАВЗУ. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Ахборот технологияси ҳақида маълумот, Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг хукуқий асослари ва тартиби.

2. Рақамлаштиришнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги босқичи.

1-савол. Ахборот технологияси ҳақида маълумот, Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг хукуқий асослари ва тартиби.

Ахборот технологияси қисқача AT (*ing. Information technology – IT*). Ахборот атамаси лотинча “Информатио” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўзбекчада тушунтириш, таништириш, баён этиш деган маъноларни англатади.

Ўз навбатида, хабар- ахборотни тасвирлаш шакли бўлиб, у нутқ, матн, тасвир, график, жадвал, видеотасвир, товуш ва х.к кўринишларда ифодаланади.

Технология - сўзи лотинча “thexnos” - санъат, ҳунар, соҳа ва “logos” - фан деган маънони билдиради. Технология сўзи - бирор вазифани бажаришда унинг турли хил усулларини кўринишини англатади.

Коммуникация (лот. communicatio — умумлаштираман, боғлайман) — кибернетикада - информация (ахборот)ларни алмашиш жараёни.



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) - бу маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, кўрсатиш ва ундан фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаб фойдаланиш учун бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар мажмуи.

АТ - ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш ва шу жараёнларни амалга оширувчи барча техник воситаларни ишлатишни ўргатувчи фан ҳисобланади.

Ахборот технологиялари маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш технологияларидир. Одатда бу атама остида компьютер технологиялари тушунилади.

Ахборот технологияси инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган бўлсада, хозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хомашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологиялари индустряси мажмуини компьютер, алоқа тизими, маълумотлар омбори, билимлар омбори ва у билан баглик фаолият соҳалари ташкил килади.

Бугунги кунда ахборот технологиясини шартли равиша «сақловчи, рационаллаштирувчи, яратувчи» турларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги технологиялар меҳнатни, моддий ресурсларни, вақтни тежайди.

Рационаллаштирувчи ахборот технологияларига чипталар буюртма қилиш, мемонхона хисоб-китоблари тизимлари мисол бўлади.

Яратувчи (ижодий) ахборот технологиялари ахборотни ишлаб чиқарадиган, ундан фойдаланадиган ва инсонни таркибий қисм сифатида ўз ичига оладиган тизимлардан иборат.

Ахборот технологияларига мисоллар:



компьютерни қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассис
(Computer Support Specialist)



дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчи мутахассислар
(software injenering)



тармоқ ва компьютер тизимлари маъмури (Network and Computer Systems Administrator)



компьютер тармоқлари архитектори (Computer Network Architect)



маълумотлар базаси маъмури
(Database Administrator)



компьютер тизимлари таҳлилчisi
(Computer Systems Analyst)



ахборот хавфсизлиги бўйича таҳлилчи (Information Security Analyst)



3D дизайнер (3D designer)



ракамли тилшунос (digital linguist)



сунъий интелект мутаххассиси (Artificial intelligence Specialist)



катта маълумотлар билан ишлашловчи мутаххассис (Big Data Specialist)

Ахборот технологияларининг хозирги замон тараққиёти ҳамда ютуқлари фан ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш зарурлигини кўрсатмокда.

Жамиятни ахборотлаштириш республикамиз халқи турмуш даражасининг яхшиланишига, ижтимоий эҳтиёжларнинг кондирилишига, иқтисоднинг усиши ҳамда фан-техника тараккиётининг жадаллашишига хизмат килади.

Ўзбекистон Республикаси шаклланаётган глобал ахборот жамиятида муносиб ўринни эгаллашга интилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакат Ҳукумати томонидан Ўзбекистонда ахборотлаштириш

жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уларни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда фойдаланишнинг стратегик устуворликлари белгиланди.

Ички ишлар органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жиҳатидан кенг кўламли қайта ўзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлигини жиддий равишда ошириш, давлатнинг умуман жамият билан ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради.

Фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит хуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органларида замноавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий таъминотларини борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракти хавфсизлигини таъминлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб учун ташкил этилган замонавий интеграллашган тизимларни яратиш ва жорий этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, интернет тармоқлари орқали тарғиб этилаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича замноавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш каби янги вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-П-сон) муҳим асослардан биридир.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари фаолиятига, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон, 2022 йил 22 сентябрдаги “Жамоат хавфсизлигни таъминлаш ва жиноятчиликка карши қурашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-379-сон Қарори, 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарорлари асосида тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

2-савол. Рақамлаштиришнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги босқичи

Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда, илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан узвий боғлиқ.

Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишда барча бўлинмаларнинг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш энг муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонининг «ЙУЛ ХАРИТАСИ» учинчи бандида Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш белгилаб берилди ва шу Фармон билан Ички ишлар вазирлигига ахборот технологиялари бўйича алоҳида вазир ўринbosари лавозими жорий этилди, ҳозирги кунда полковник Тураходжаев Нажмиддин Садирович хизматни олиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон Қарорини Зб-Илова 2022-2023 йилларда Ички ишлар вазирлигига рақамли

трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»да Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш белгилаб берилди. **Хусусан:**

- I. Норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш.
- II. Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлаш.
- III. Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» йўналишида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш.
- IV. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Йўл харитасига мувофиқ Ички ишлар вазирлигини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини Норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида қўидагилар белиланган:

- Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 17 январда тасдиқланган «2021-2022 йилларда ИИВ томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларини устувор равишда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури»га мувофиқ ва заруратга кўра бошқа давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказишида уларнинг регламентларини қайтадан кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси чегара назорат пунктларидан ўтаётган чет эл фуқароларини биометрик рўйхатга олишни йўлга қўйиш.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида қўидагилар белиланган:

- Барча ички ишлар органлари ўртасида электрон ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, бошқа идоралар билан юқори даражада ҳимояланган тизим орқали электрон ахборот алмашиш имкониятини яратиш мақсадида ички ишлар органларида локал тармоқларни такомиллаштириш ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни яратиш;
- Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида **Маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиб**, унга тарқоқ ҳолдаги барча ахборот тизимлари ва маълумот базаларини ўтказиш ҳамда ягона интеграциялашган платформани жорий этиш;
- Ички ишлар органларида хужжат алмашинувини автоматлаштириш, хужжатларнинг электрон архивини юритиш ва ижро ҳолатини назорат қилиш мақсадида **ягона ҳимояланган электрон хужжат айланиш тизимини жорий қилиш**;
- Хизматга оид маълумотларни ички ишлар органларининг корпоратив тармоғидан чиқиб кетишини олдини олиш ва ходимларнинг ҳаракатлари

устидан ички назоратни амалга ошириш бўйича **мониторинг тизимини жорий этиш**;

- Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида маҳбуслар ҳаракатланиши, уларнинг ҳисобини реал вақт режимида юритиш ва олиб кирилиши/чиқилишини назорат қилиш мақсадида «Ички ишлар органлари вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарининг назорат-мониторинги ахборот тизими»ни жорий қилиш ва манфаатдор идораларга улаш;

- Жазони ижро этиш муассасаларининг назорат ўтиш жойларида хизмат олиб бориш жараёнини янги тартибда ташкил этиш учун **29 дона рентген-сканер қурилмаларини ўрнатиш**;

- **Йўл ҳаракати хавфсизлиги** хизматининг бўлинмаларида телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш;

- Амалдаги ахборот тизимларини ягона платформага ўзаро интеграция қилиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг **Ягона автоматлаштирилган комплекс аппарат-дастурый таъминоти тизими**ни республикамизнинг барча ҳудудларида ўз вакилларига эга бўлган маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда яратиш;

- Ички ишлар вазирлигига **геном бўйича ягона автоматлаштирилган маълумотлар базасини** ташкил этиш;

- **«102-kriminalist» дастурый таъминотини** ишлаб чиқиш ва «102» тизимига интеграция қилиш;

- Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика Бош маркази ва Тошкент шаҳар, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоят ички ишлар органлари ЭКБларини **хромато-масс-спектрометрлар** билан таъминлаш;

Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» йўналишида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида қўидагилар белиланган:

- Электрон тиббий карталар жорий этиш механизmlарини ишлаб чиқиш, дори воситалари айланишини назорат қилиш, касалликлар динамикасини реал вақт режимида кузатиш ва тиббий хизмат қўрсатиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш мақсадида **«E-Med» комплекс ахборот-таҳлилий тизими**ни жорий қилиш;

- Ички ишлар органларида куч ва воситаларни бошқариш, зарурий маълумотлар базаларидаги ахборотларни таҳлил қилиш мақсадида Вазирликнинг барча ахборот тизимларини ягона комплекс тизимга бирлаштириш орқали **Ягона бошқарув платформасини** жорий этиш;

- Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-авторини **Ягона платформада** реал вақт режимида кузатиш имконияти жорий этиш;
- **«SMART AKADEMIYA»** - интеграллашган ахборот-таълим платформасини яратиш;
- Ягона интерактив давлат хизматлари порталаида автотранспорт воситасида **тақиқ мавжудлигини текшириш имкониятини яратиш**;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва **ДИХХХнинг мобил иловаси орқали юридик шахслар томонидан** янги автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўtkазиш учун ишончнома, ариза юбориш ҳамда тўловларни электрон амалга ошириш имкониятини яратиш;
- Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг **«Road 24» мобил иловасини** такомиллаштириш орқали ҳайдовчиларга қулайликлар яратиш;
- Жисмоний шахсларнинг автомототранспорт воситасини бошқа шахсга (сотиш, бошқа давлатга олиб чиқиб кетиш хуқуқисиз) бериш тўғрисидаги шартнома (ишончнома)ни **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** инсон омилисиз электрон расмийлаштириш тартибини жорий этиш;
- Тергов органлари ва кредит бюоролари томонидан автотранспорт воситасига **тақиқни электрон тарзда қўйиш** ҳамда ечиш амалиётини жорий этиш;
- Фуқароларни ишга қабул қилишда интеллектуал салоҳияти ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш, ходимларга малака тоифаларини бериш ва уларнинг билим кўникмаларини даврий равишда баҳолашда инсон омилини истисно қилган ҳолда замонавий **марказлашган тест синовларини қабул қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими**ни ишлаб чиқиш;
- Давлат ўқ-гильзотекасининг автоматлаштирилган **баллистик идентификация тизимини модернизация қилиш**;
- Ички ишлар вазирлигининг биометрик маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида маҳсус ҳимояланган VPN уяли алоқа сим картаси орқали шахсни юз қиёфаси ва бармоқ излари бўйича идентификация қилишнинг «Web-servise» дастурини ишга тушириш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўидагилар белиланган:

- Ички ишлар органлари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни мониторинг қилиш муҳим ахборот инфратузилмалари ва жамоат хавфсизлиги доирасида жорий

қилингандастурий-техник қурилмалар ҳолатини назорат қилиш мақсадида «SOS» марказ жорий этиш;

- Ички ишлар органлари маълумотлар узатиш тармоқлари ва ахборот тизимларида ахборотни **криптографик ҳимоялаш воситаларини** жорий қилиш белгилаб утилган.

Мустақил тайёргарлик: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон қарорига Зб-Илова 2022-2023 йилларда Ички ишлар вазирлигига рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ни ва 2022 йил 22 сентябрдаги “Жамоат хавфсизлигни таъминлаш ва жиноятчиликка карши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-379-сон Қарори кўриб чиқиши.

2-МАВЗУ. АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ФОЙДАЛАНИБ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТГА ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Ахборот хуружи, мазмун ва моҳияти.
2. Ахборот хуружларининг ижтимоий муҳитда амалга ошириш усуслари.

Хулоса

1-савол. Ахборот хуружи, мазмун ва моҳияти.

Сиёсий кураш сиёсий партиялар, ташкилотлар ва бошқа сиёсий институтлар ўртасида олиб борилади. Ушбу соҳада ахборот уруши доимий равишда рўй бериб туради, аммо у давлат органларига сайловлар олдидан қучайиб бормоқда. Ахборот ёрдамида жамиятга таъсир шундай тарзда олиб бориладики, жамият аъзолари буни сезмайдилар ва ўзлари танлов қилаётганлигини ҳис қиласидилар. Сиёсатдаги замонавий ахборот урушлари рақибни жамоатчилик олдида обрўсизлантиришга ва жамият аъзолари орасида зарур фикрни шакллантиришга қаратилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун турли хил ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда рақибга карши ҳужумни амалга



оширадиган – **айворлар** – ахборотни бузиш бўйича мутахассислар ёлланади. Ахборот ҳужумларининг асосий усуллари қуйидагилардир: монтаж, мишмишлар, афсоналар, таҳдид, мавхумлик, маълумотни буриш.

Ахборот ҳуружига берилган турлича таърифлар мавжуд. Россиялик айрим мутахассисларнинг фикрича ахборот ҳуружи бу-рақиб устидан ахборот ҳукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасидир.

Ахборот урушидан ҳарбийлар ва тинч аҳоли орасида фойдаланиш мумкин. Ахборот қарама-қарши турларига қуйидагилар киради:

1. Интернетдаги ахборот уруши – душманни чалғитиш учун ишлатиладиган турли хил ва кўпинча қарама-қарши маълумотлар тақдим этилади.

2. Психологик операциялар – бу шундай маълумотларни танлаб олиш ва тақдим этиш, бу жамиятда мавжуд бўлган кайфият учун қарама-қарши далилларга ўхшайди.

3. Йўқ қилиш – бу душман учун муҳим бўлган электрон тизимларни жисмоний йўқ қилиш ёки блокировка қилиш.

4. Хавфсизлик чоралари – режалар ва ниятларни сақлаб қолиш учун ўз ресурсларини ҳимоя қилишни кучайтириш.

5. Тўғридан тўғри ахборот ҳужумлари – бу ёлғон ва ҳақиқат маълумотларнинг аралашмаси.

Ахборот уруши атамаси илк бор 1967 йил тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи собиқ совет Иттифоқига қарши бошлаган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллен Даллесдир.

“Ахборот уруши” атамаси дастлаб Америка ҳарбий доираларида қўлланилган. Ахборот уруши бу бутун жамиятга ёки унинг бир қисмига психологик босимдир. Керакли маълумотларни моҳирона тақдим этиш маълум кайфиятларни яратишга ва реакцияларни келтириб чиқаришга ёрдам беради. Ушбу уруш тури ҳақида биринчи маълумот 19-асрнинг 50-йилларига тўғри келади ва Крим уруши билан боғлиқ.

Ахборот уруши назариясининг асосчиларидан яна бири Уинн Швартуу фикрича: “Замонавий жамият



Аллен Даллес
АКШ дипломати.
Марказий разведка бошқармаси директори (1953-1961). Иккинчи жаҳон уруши даврида Стратегик хизматлар идорасида резидентура бошлиги.

ахборотга асосланганлиги сабабли, эртами, кечми, ҳар ким ахборот хуружининг курбонига айланади”, деб таъкидлайди.

Уинн Швартоу ахборот урушини олиб борища барча хатти-харакатларнинг учта субъектга қаратилганлигини таъкидлайди: шахсга (индивидуал ҳолатда), ташкилий тузилмага (ташкилот-муассасага қаратилган) ва глобал кўринишда (давлатлар ўртасидаги зиддиятга қаратилган).

“Ахборот хуружи” ибораси биринчи марта 1976 йил Томас Роннинг «Boeing» компанияси учун мўлжалланган “Қуроллар тузуми ва ахборот уруши” номли ҳисоботида қайд этилган. Томас Рон АҚШ иқтисодиётида инфратузилма асосий компонент бўлиб, кейинчалик унинг ҳарбий, сиёсий соҳалар каби заиф нуқта бўлиб қолишини таъкидлайди. Ахборот хуружининг муҳим жиҳати эса «қарши давлатнинг-корхоналари раҳбарларига, аъзоларига психологик босим ўтказиб, уларни “керакли” қарорларни қабул қилишга мажбур қила билишдир” дейди. Шунга кўра “ахборот хуружи” нима, деган саволга жавоб бериш мумкин. Ахборот хуружи бу рақиб саналган шахсга, жамиятга ва давлатга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда қабул қилинган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фактлар ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишидир.

Интернет сайtlари ва нашрлари орқали жамоатчилик фикрини манипуляция қилишда қуйидаги замонавий усувлар кенг қўлланилмоқда:

1. Манипуляция (омма онгини бошқариш) - омма онгини турли ғоялар, кўрсатмалар, мотивлар, стереотиплар, тақлид орқали субъект манфаатларига мослаштириш. Воқеликни нотўғри идрок қилиш орқали сохта, ёлғон тушунча ёки тасаввур ҳосил қилинади. Ахборотнинг манипулятив таъсир кучидан қадим замонлардан бери сиёсий ва ҳарбий мақсадларда ҳам унумли фойдаланиб келинади.

Жумладан, қадимги Хитой мутафаккири Сун Цзи ўз давлати раҳбарларига қўшни ўлкаларни осонлик билан босиб олиш учун қуйидаги маслаҳатларни берган: «Шундай бўлсинки, душман пойтахти кўчаларида хон ҳалқини талаётгани, маслаҳатчилари хиёнат қилганликлари, амалдорлари майхўр бўлиб кетгани, жсангчилари эса оч-наҳор ва ялангоёқ эканликларини тичирласин... Шундай бўлсинки, аҳоли ўз хонини ҳақорат қилсин... Ички ёнгинни олов билан эмас, сўз билан авж олдиринг, натижада аҳмоқлар нолий бошлайди ва ўз ватанини лаънатлайди. Ва ўшандা биз очиқ дарвозалардан ўтиб борамиз...».



Сун Цзи

Милоддан аввалги II асрда (453-403 до н. э.). хитойлик саркарда ва мутафакир.

2. Дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш) - психологик таъсири кўрсатишнинг бир кўриниши бўлиб, рақиб тарафни чалғитиши мақсадида ёлғон ахборот тарқатилади. Бунда ҳақиқий ахборот билан ёлғон ахборот аралаш кўринишида бўлади. Таъкидлаш жоизки, “Озодлик Радиоси” ва “Америка овози” нашрлари ўз фаолиятида ушбу усульдан кенг фойдаланиб келмоқда.

Жумладан, 2018 йилнинг 7 май куни “Озодлик Радиоси” расмий сайтида “UzBack to USSR? Хотира ва қадрлаш куни яна “День победы”га айланмоқда” номли мақола чиқарилиб, унда “СССР байроғи, гимни ва оркестр жўрлигидаги “Катюша” ва бошқа қўшиқлар, шунингдек, Георгий тасмалари очиқчасига қайта бошлагани” тўғрисида айтилган. Бунга далил сифатида берилган, СССР байроғи тасвирланган суратдан эса унда акс этган автомашинанинг давлат рақами Ўзбекистонга тегишли эмаслигини ва умуман сурат Ўзбекистонда олинмаганлигини кўриш мумкин. Аммо, ушбу мақолага сайт фойдаланувчилари томонидан жами 100 дан ортиқ шарҳ ёзилган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи мазкур хабарга ишонч ва мавжуд вазиятга нисбатан норозилик кайфиятини ифода этади. Яъни, бу билан дезинформациянинг жамоатчилик фикрига салбий таъсирини кўриш мумкин бўлади.

3. Дискредитация (омма ишончини йўқотишига интилиш) усули – бу рақиб томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ёки муайян ижтимоий гуруҳлар обрўйига ҳамда имижига, шунингдек, мавжуд сиёсий тузумга нисбатан омма ишончини йўқотишига қаратилган қасддан қилинган ҳаракатdir. Ушбу усулни амалга ошириш механизми: республика ҳудудида содир бўлган бирор салбий ҳодисани мавжуд ҳукумат ёхуд муайян шахснинг сиёсий фаолияти натижаси сифатида талқин этган ҳолда радио, телевидение, матбуот ҳамда Интернет орқали оммага етказилади. Берилган хабарлар остида қолдирилган шарҳлар эса аҳолининг ишончизлигини оширишга хизмат қиласи.

Масалан, 1989 йилда Америка ОАВ Панама Президенти генерал М.Норьеганинг ўз ҳалқи ва дунё ҳамжамияти кўз олдида обрўсини тўкишига ҳаракат қилдилар. Унга нисбатан 13 та айлов, хусусан, диктатор, наркотик моддалар савдоси ва “рэкет”ни қўллаб-қувватловчи, ўзини “умрбод Президент” деб эълон қилган ва шу каби обрўсизлантирувчи материаллар кенг тарқатилган. Ҳаттоқи, дунёнинг машҳур газеталарида М.Норьеганинг ўз хизмат хонасида Гитлер сурати фонида фашистлар кийимида тушган расми ҳам нашр этилган. Бироз ўтмай Панамада давлат тўнтариши юз берди ва Президент ўз вазифасидан кетди.

Бу орқали манипулятор таниқли сиёсий арбобни иқтибос келтирган ҳолда республика аҳолисининг давлат раҳбарлари ва улар олиб бораётган

сиёсатга ишончсизлигини келтириб чиқариш ҳамда мавжудларини кучайтиришни мақсад қиласи.

3. Компрометация (обрўсизлантириш) усули – бу манипулятор томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ёки муайян ижтимоий гурухларни обрўсизлантириш, обрўсини тушириш, иснод келтириш учун қасдан қилинган ҳаракатдир. Методни амалга оширишда қуйидаги механизмдан фойдаланилади: муайян мансабдор шахс, унинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан боғлиқ салбий, обрўсизлантирувчи маълумотлар тўпланади ҳамда ахборот узатишнинг барча воситалари орқали оммага етказилади. Бунда фактларни бузиб кўрсатиш ва ёлгон маълумот тарқатиш усулларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Хусусан, 90-йилларда АҚШ Куролли Кучлари штаби генерали Дмитрий Шаликашвилини обрўсизлантириш учун унинг таржимаи ҳолини асоссиз маълумотлар билан ўзгартиришга уринишган. Эълон қилинган хужжат мазмунига асосан, Дмитрий Шаликашвилининг отаси 1944 йилда СС қўшинида хизмат қилган. Аввалроқ у Польша армияси офицери бўлган. Урушдан якунида отаси Германиядаги нуфузли танишлари орқали СС қўшинларининг Грузиядаги махсус батальонида хизмат қилган. Ушбу ёлғон маълумотлар тарқалиши натижасида, АҚШ Мудофаа вазирининг Дмитрий Шаликашвилини ҳимоя қилишга қаратилган баёнотига қарамасдан, генерал ўз вазифасидан озод этилган.

4. Диверсия (бузиш, қўпорувчилик) усули – бу ОАВда руҳий-психологик кураш олиб бориш усулларидан бири бўлиб, мамлакатдаги конституцион тузумга, унинг ички ва ташқи сиёсатига, гоявий мухолифларга қарши радио, телевидение, матбуот воситалари орқали бузғунчилик мақсадида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот. Диверсиянинг объекти – омма онги, жамоатчилик фикри. Механизми – бирор масала юзасидан аҳоли онгига, хусусан, унинг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказадиган характердаги материаллар тайёрланади ва тарқатилади. Ахборот етказишнинг барча воситалари орқали фаол ҳаракат олиб борилади ҳамда жамоатчиликда мавжуд сиёсий тузумга нисбатан норозилик, нафрат туйғуларини шакллантиради. Одатда, диверсия дезинформация, дискредитация ёки компрометация жараёнларидан кейинги босқичда амалга оширилади.

Жумладан, 2018 йил 11 июнь куни “Америка овози”нинг расмий сайтида берилган “Ўзбекистон ёшлари Ёшлар иттифоқидан норози” номли мақоласида ташкилот раҳбариятининг обрўсизланганлиги фонида унинг истеъфоси ва нега ҳали ҳам ташкилот раҳбари ўз ўрнида эканлигига қатъий изоҳ талаб қилинган. Мазкур хабарда ҳамда шу мавзуга оид бошқа сайтлар орқали

тарқатилган блогларда қолдирилган шарҳларга эътибор қаратилса, республика аҳолиси, айниқса, ёшлар қатлами ўртасида сиёсий қарама-қаршилик, асосан, икки гурухга бўлиниш ҳолатини кўриш мумкин. Яъни, ушбу хабарлар аноссида Ёшлар иттифоқи раҳбариятининг тарафдорлари ҳамда уларга қарши томоннинг ўзаро ахборот кураши кузатилади. Бу ҳолат республиканинг миллий хавфсизлига, жумладан, ахборот хавфсизлигига реал таҳдид сифатида намоён бўлади.

5. Биринчилик эффиқти. Журналистларга талабалик давридаёқ умуман ҳақиқатни айтган эмас, биринчи бўлиб айтган одам ҳақдир, дея тушунтириб келадилар. Дастребки хабар ҳар доим кучли таъсирга эга бўлади. Иккинчи бўлиб тарқатилган хабар эса биринчидан ҳам кучли аргументга эга бўлсагина, олдинги хабарни йўққа чиқариши мумкин. Бунда барча мураккабликларни ойдинлаштириш учун аудиториянинг вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқлигидан бунга эришиш у қадар осон эмас.

6. “Геббелъс” ёки кўп марта такрорлаш усули – бунда муайян бир мавзу ёки унга доир хабар ОАВ орқали қайта-қайта берилади ва натижада жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиб, унга бўлган қизиқишини оширади. Бунда объект – жамоатчилик фикри ва механизм радио, телевидение, матбуот ҳамда Интернет орқали муайян хабарни оммага тақорорий равишда фаол тақдим этиш мухим ҳисобланади. “Одамлар хукуматга ишонардилар, қаттиқ ишондилар, узоқ вақт ишониб келдилар. Бироқ хукумат улар умидини пучга чиқарди, улар ишончини оқламади” сингари сўзлар ва сўз бирикмаларини қайта-қайта тақрорлаш йўли билан аудиторияда муайян психологик ҳолат яратишининг оддий ва таъсирчан усули ҳисобланади.

Масалан, 2018 йилнинг март ойида Самарқанд вилоятида ободонлаштириш ишларига жалб қилинган 23 ёшли мактаб ўқитувчиси Диана Еникееванинг ҳалокати билан боғлиқ масалада Би-би-си сайтида 8 та ва “Озодлик радиоси” сайтида эса 26 та мақола берилган. Жумладан, биргина “Озодлик радиоси”да 2018 йилнинг 15 марта шу мазмунда чиқарилган мақола остида 50 та шарҳ қолдирилган бўлиб, уларнинг аксарияти хукуматдан ва мавжуд сиёsatдан норозилик кайфиятини ифодалайди.

7. Айрим фактларни яшириш ва бошқаларини бўрттириб қўрсатиш усули – бунда манипулятор томонидан, одатда, муайян мавзу юзасидан амалга оширилган ижобий характердаги ишлар яширилади, жамоатчилик фикрини салбий жиҳатдан ўзгартиришга қаратилган маълумотлар ва хабарларга кўпроқ урғу берилади, улар бўрттириб қўрсатилади. Унинг механизми, кўпинча, муайян соҳада ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда, уларга нисбатан дискредитация, компрометация ёки диверсия босқичларидан олдин ёки улар билан бир пайтда олиб борилади.

Масалан, 2018 йилнинг 3 июнь кунида Би-би-си хорижий телерадиоузатиши ташкилотининг расмий сайтида эълон қилинган мақолада, республикада суд-хукуқ соҳасидаги охириги ўзгаришларга қарамай аҳоли ўртасида сиёсий-хукуқий жараёнларга нисбатан ишончсизлик ва норозилик кайфиятини пайдо қиласиган қарашлар илгари сурилган. Мақолада айрим фактларни яшириш ва муаммони бўрттириб кўрсатиш усулидан фойдаланилган.

8. Овозаси кетган воқеа иллюзияси. Аслида воқеа бўлиб ўтиши кутилаётган жойда ҳеч нарса юз бермайди. Бироқ ёлғон репортаж тайёрлаш ишлари бошланади. Бу жараён учун лавҳа ўйлаб топадилар: шовқин-сурон, бақир-чақирлар, ўқлар овози ва ҳ.к. эфектларни ташкил қиласидилар. Турли жойларда ҳар хил эпизодларни суратга олиб, монтаж қилинади. Натижада аслида юз бермаган, лекин оммавий аудитория учун “ишончли” лавҳани яратадилар. Мисол учун, “New York Times” газетасининг бош муҳаррири Рэндольф Херст рассом Фредерик Ремингтонга Кубадаги испанларнинг америкаликларга нисбатан ваҳшийликлари тўғрисида карикатура чизиб бериш учун телеграмма йўллайди: “Ҳаммаси осойишта. Ҳеч қандай даҳшатли нарса юз бермаяпти. Уруш бўлмайди. Қайтиб бормоқчи эдим”. Херст жавоб юборади: “Марҳамат келинг. Расмларни таъминланг. Урушни мен таъминлайман”.

9. Ёрликлар ёпиштириш. Маъқул бўлмаган шахс учун турли исмлар, ўхшатишлиар ёки сифатлашлар ўйлаб топишдан иборат. Амалиёт шуни кўрсатадики, кишига ўзини шунчаки “поклаб олиш”, таърифлаганларидан бошқача одам эканлигини исботлаш осон бўлмайди. Бундай ҳолларда “ишбилармон”, “чаққон”, “лўттибоз”, “корчалон” ва ҳатто “банк”, “бизнесмен”, “молиячи”, “бошқарувчи” сингари холис (лекин салбий маъно юклangan) сўзлар анъанавий таърифлар сифатида қўлланилади. Аудитория бундай сўзларни ҳис-ҳаяжон даражасида қабул қиласиди, осон эслаб қолади ва доимо тақрорлаб юради.

10. Ярқироқ умумлашмалар. Бу усулни амалга оширишда одамлар ва омманинг “янги”, “ҳақиқат”, “демократия”, “адолат”, “тараққиёт”, “ғалаба”, “ривожланиш”, “муваффақият”, “олға ҳаракат” ва ҳ.к. каби сўзларига асосланади. Амалда бундай нарсадан асар ҳам бўлмайди, лекин таассурот ўйғотиши учун усталик билан фактлар танланади ва улар битта жойга жамланади, ишонарли умумлашмалар ясалади. Оқибатда аудитория бундай умумлашма маълумотларга чиндан ҳам ишонади.

11. Нисбат бериш (аналогия) усули. Бирор обрўли кишининг ижобий сифатларини ҳали бунга ҳукуқли эканлигини кўрсатишга улгурмаган бошқа бир кишига нисбат беришга асосланган. Масалан, нисбат бериш усули анъана

тарзida обрўли раҳбардан кейин ва унинг ўз ўрнига тавсия қилиши туфайли ҳокимиятга келган кишиларга боғлаб ишлатилади. Бу салбий маънода бўлиши ҳам мумкин. Масалан, нодемократик давлатда ҳокимият вориси ким бўлишидан қатъи назар, ўхшатма аналогия асосида унга диктаторликка интилувчанлик нисбати берилаверади.

12. Оддий халққа мансублик (ўз одамимиз) ўйини. Бу усулнинг моҳияти партия (соҳа, ташкилот) етакчисининг ўзи ҳақида кенг аудиторияда ўз одамларимиз даврасидан ва у кишига оддий халқнинг ташвишлари, орзуумидлари жуда яқин деган таассурот уйғотишидан, популизм тамойилидан фойдаланишдан иборат. Сиёsat соҳасида кенг тарқалган бу усул кийинишдан ва юриш туришдан тортиб эътиборга молик бўлмаган воқеаларни ҳам ўз ичига олади. Сиёсий етакчиларнинг қўшиқ айтиб, рақсга тушишлари, болалар билан ўйнашлари, оддий фуқаролар билан қўл сиқишиб кўришиш учун кутилмагандаги кортежни тўхтатиб қўйишлари сингари кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

13. Фактларни бузиб кўрсатиш. Бу оддий ва самарали усул барча даражадаги сиёsatчилар томонидан кенг ишлатилади. Унинг мазмуни иқтисодиёт, сиёsat ва маданиятга оид кўплаб фактлардан ахборотни тарқатувчига фойдали бўлганларинигина танлаб олишдан иборат. Бошқача характердаги маълумотлар ҳақида, гарчи улар ҳам етарли бўлса-да, ҳеч нима дейилмайди. Бундай усулнинг ҳар доим, узлуксиз такрорланиши, аста-секин етарли таассуротларни ҳосил қиласи ва бу тарғиботчи учун жуда муҳимдир.

14. Троллинг. Бу иғвогарлик ёки ёлғон хабарлар билан виртуал маконда муҳокамали ёки салбий ҳолатга сабаб бўлувчи форумлар ёки онлайн жамоалар иштироқида Интернет фойдаланувчиларни жалб қилиш усулидир. Бундан мақсад карикатура ёки бўрттирилган маълумотларни жойлаштириб, муҳокамалар кўпроқ фойдаланувчиларни жалб этишдир. Асосий вазифаси муҳокамали ва салбий реакцияга сабаб бўлувчи форумлар ёки онлайн жамоаларни юзага келтириш ҳисобланади. Ҳар қандай усул билан жамоатчилик фикрини салбий томонга ўзгартириш, ушбу усулнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда субъект Интернетда аноним тарзда иғвогарлик билан салбий реакция ва агрессив сухбатларни юзага келтирувчи шахслар, обьект эса субъект фаолияти йўналтирилган шахс, жамият гурухлари, маълум аудиториялар ва бошқалардир.

15. Сокаппетинг (ингл. Sockpuppet – «қўл қўғирчоқ» ёки «қўлга кийдириладиган латта қўғирчоқ-пайпок») – клон ёки ботлар ёрдамида интернетдаги жараёнларни сунъий авж олдириш (кескинлаштириш) технологияси. Сокаппетинг – бу интернет-технологияси ва замонавий сиёсий маркетингнинг бир қисми.

Соккаппет бу исмини сохталаштирган, интернет фойдаланувчиси томонидан яратилган, ҳаракатлари бошқалар томонидан назорат қилинадиган шахс. У ижтимоий тармоқлар ва ОАВ веб-сайтларида изоҳлар ёзиш орқали мақсадли равишда (буортмага мувофиқ) маълум жараён, вазият ва бошқаларга нисбатан муносабат билдириб, ўз буортмачисининг позициясини ва манфаатларини тармоқда баҳслар уюштириш, қўрқитиш ва бошқа усувлар орқали ифода этиб, фаолият юритади.

Соккаппетинг технологияси жараёни тарғибот, ташвиқот, ёлғон маълумот тарқатиш, обрўсизлантириш, тухмат ва манипуляция усувларини кўллаш орқали маълумотларни ўрганиш, режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва ўз вактида тузатишлар киритиш босқичларини ўз ичига олади.

Соккаппетлар одатда битта назорат қилувчи шахс ёки гурӯҳ томонидан сунъий овозларни яратиш, жамлаш, нотўғри маълумотлар тарқатиш ва омманинг нотўғри фикрини шакллантириш учун яратилади.

“Қўғирчоқ-пайпоқ”лар муайян мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, сиёсий арбоб атрофига шов-шувли, хаяжонга солувчи вазият яратиш ва провакацион интернет-мемларни тарқатиш билан шуғулланади.

Соккаппетларнинг аксарияти ижтимоий тармоқларда машҳур сиёsatчилар, медиа соҳаси вакиллари ва ишбилармонларнинг сохта аккаунтларини очиб, доимий равишда фаолият олиб боради.

Мисол учун, 2014 йилда Россия Федерацияси маҳсус хизматлари томонидан оддий Украина фуқаролари ниқоби остида «Facebook» ва «ВКонтакте» ижтимоий тармоғида соккаппетинг ва тролинг технологиялари ёрдамида сохта аккаунтлар (соккаппетлар) яратилди ва Украинадаги жорий хукуматга нисбатан аҳолининг ғазабини кўзғаш ва Крим аҳолисининг Россия Федерацияси референдум орқали қўшилиш учун мойиллигини яратишида кенг фойдаланилди.

2014 йил 11 сентябрь куни соккаппет-аккаунтлари Луизиана штатидаги Кимё заводида юз берган портлаш ҳақида хабар берди. Бу ҳақдаги хабарлар ОАВ, жумладан, Twitter ва YouTube да пайдо бўлган, бироқ АҚШ расмийлари портлаш ҳақидаги маълумотлар ёлғон эканини эълон қилган. Ушбу маълумот Санкт-Петербургдаги Россия хукумати ҳомийлик қилган рус соккаппетларини бошқарувчи идора Интернет тадқиқот агентлиги томонидан тарқатилганлиги айтилади.

Шунингдек, Facebook ва Twitter ўз платформаларида хукуматларга фуқароларининг катта қисми билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг кучли воситасини таклиф қиласди ва аҳолининг кайфиятни осонгина аниқлаш ва таҳлил қилишга имкон яратади.

2018 йилнинг октябр ойида бери Твиттер ўз платформасида 24 алоҳида давлат даражасидаги дезинформация кампанияларини аниқлади.

2020 йилнинг март ойида Гана ва Нигерияга қаратилган, лекин АҚШ нишонга олинган дезинформация кампанияларини натижасида Facebook – 69, Twitter – 71 ва Instagram – 85 аккаунтни ўз платформасидан ўчирди.

Твиттерда барча аккаунтларнинг 5-15% сокпаппетлар бўлса, Фейсбукуда эса аккаунтларнинг 5% сохта эканлигини тахмин қилинган.

Бугунги кунда сокпаппетни фош қилишда асосан шубҳали аккаунтлар

IP-манзилини таққослаш ва гумон қилинаётган сокпаппетнинг ёзиш услугбини қиёсий таҳлил қилиш усули кенг қўлланилади.

16. Микротаргетлаш (инг. microtargeting) – Интернет тармоғи фойдаланувчилирининг шахсий ва демографик маълумотларидан фойдаланиб, келажакда уларнинг маълум бир воқеа-ҳодисага муносабатини ўзгартириш ва ҳатти-ҳаракатини бошқариш (манипуляция) мақсадида муайян шахслар ёки шундай шахслардан ташкил топган гуруҳнинг манфаатларини аниқлайдиган маркетинг стратегияси ҳисобланади.

Микротаргетлаш технологиясидан сайловолди компанияси жараёнида сиёсий партиялар кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Бил Клинтон 1996 йилги сайлов компанияси даврида ўзининг потенциал сайловчиларини демографик маълумотлари асосида шартли гуруҳларга тақсимлайди ва гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб ҳар бир гуруҳ учун алоҳида мурожаатномалар йўллайди. Бил Клинтоннинг сайлов олди компанияси сайловчиларнинг портретини яратиш учун шахсга доир маълумотлардан биринчилардан бўлиб фойдаланган компания сифатида тарихда қолган.

2004 йилги Жорж Уолкер Буш бошчилигидаги республикачилар партияси ва Жон Керри бошчилигидаги демократик партия ўртасидаги сайлов пойгасидан сўнг сайловчиларни микротаргетлаш технологияси машхурлик даражасига эришди.

Фуқароларга бевосита манзилли мурожаат қилиш учун 2012 йилги АҚШ президентлигига сайловда Б.Обама сайлов компанияси микротаргетлаш технологиясидан фойдаланганди. Сайлов штаби томонидан Facebook ижтимоий тармоғидаги фойдаланувчилирнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиб, сайловчилар ҳақидаги маълумотлар базаси яратилган ва ундан самарали фойдаланилган. Бунда тўпланган барча маълумотлар бирлаштирилиб, демократлар партиясига овоз бериши мумкин бўлган ҳар бир сайловчининг профили яратилган ва уларнинг ҳар бирига манзилли хабар “Narwhal” дастури орқали юборилган. “Dreamcatcher” дастури эса сиёсий масалаларда электоратнинг позициясини аниқлаш учун уларнинг орзу ва истакларини таҳлил қилиш билан шуғулланган.

Микротаргетлаш технологияси Доналд Трампнинг президентлик сайловида ҳамда Буюк Британия фуқароларини Европа Иттифоқидан чиқиши бўйича референдумда (Brexit) иштирок этишга сафарбар этишда муҳим рол ўйнади.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига қўра, ушбу иккала сиёсий жараёнларга турли ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларини “психографик таҳлил” қилиш билан шуғулланувчи Буюк Британиянинг “Cambridge Analytica” компанияси алоқадор. Таҳминий сайловчиларнинг рўйхатини тузабётганда Cambridge Analytica уни партия ёки номзод тарафдорлари рўйхати билан ҳамда ижтимоий тармоқлардаги (Twitter, Facebook) фаоллиги билан боғлайди. Натижада шахснинг психологияк хусусиятларини ўзида акс эттирувчи сайловчининг виртуал профили яратилган.

Экспертларнинг фикрига қўра, Франциядаги 2017 йилги президентлик сайлови пайтида Франция географик жиҳатдан 60 минг кичик зоналарга бўлинган, уларнинг ҳар бири таҳминан 1000 кишидан иборат эди. Шу худудлардаги аҳолининг олдинги сайловларда овоз бериш тарихи, демографик кўрсаткичлари, ижтимоий-иктисодий аҳволи, социологик тадқиқотлар маълумотлари таҳлил қилинган ҳамда ушбу худудларга кўнгилли тарғиботчилар жойлаштирилган. Ушбу маълумотларга асосланиб, Э. Макроннинг сайловолди ташвиқотининг устувор йўналишлари белгилаб олинган.

Микротаргетлаш технологиясининг асосий мақсади бу сайловчиларни маълум бир номзодга овоз беришга ундаш ҳисобланади. Унинг қуйидаги ижобий томонлари мавжуд:

- микротаргетлаш технологияси аҳолининг сиёсий фаоллигини оширади ҳамда фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтиради;
- сиёсий тарғибот ишларини ўтказишда сиёсий партиялар учун кенг қамровли ва самарали технология ҳисобланади;
- жамоатчилик эътиборини бир жойга жамлаш, шунингдек улар учун муҳим бўлган муаммо ва камчиликларни аниқлаш мумкин.

Микротаргетлаш технологиясининг фойдали томонлари билан бирга унинг қуйидаги салбий томонлари ҳам мавжуд:

- микротаргетлашдан манипуляция воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Фуқароларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг ҳаётига тажовуз қилиниши ҳамда уларни муайян бир ишга ундаш ёки бирор бир ишдан тийилишга мажбур қилиш эҳтимоли юзага келади;
- сайловчиларнинг шахсий маълумотларини сотиб олиш жуда қиммат. Бундан ташқари сайлов компанияси даврида сиёсий партиялар жуда катта маълумотлар билан ишлаши, мақсадли аудиторияни батафсил ўрганиши,

ундаги гурухларни тўғри аниқлаши ва уларнинг дунёқараши, ахлоқий ва эстетик томонларини таҳлил қилиши керак. Бу жараён эса жуда катта изланишни ва қўп вақт талаб қиласди;

- сиёсий партияларнинг буюртмасига асосан микротаргетлаш технологиясини қўллайдиган қатламнинг (маркетинг корхоналари, ижтимоий тармоқлар бўйича эксперплар, консалтинг фирмалари, сўровнома ўтказувчи социологлар, ИТ мутахассислари ва ҳ.к.) қучайишига олиб келиши мумкин. Мазкур қатлам кейинчалик микротаргетлаш технологиясини қўллашда мутлоқ монополияга эга бўлади ҳамда мазкур хизмати учун исталган нарх қўйиши, керак бўлса сиёсий партияларга мажбуран ўз шартларини ўтказиши мумкин;

- микротаргетлаш технологиясидан жамоатчилик фикрига салбий таъсир ўтказишида ҳам фойдаланиш, тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилиши натижасида сайловчиларни тўғри йўлдан оғдириб уларни муайян партияга овоз беришларига ундаш мумкин.

Интернет тармоғида жамоатчилик фикрини манипуляция қилишининг юқорида келтирилган усуллари ривожланишининг муҳим омиллари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

- Интернет тармоғи ахборот олишнинг асосий воситасига айланиб бораётгани;

- маҳаллий ОАВ муҳим ахборотларни жамоатчиликка етказиб беришда тезкорлик ва биринчилик эффиқти каби жиҳатларга эътибор қаратмаётганлиги;

- хорижий ОАВнинг барча ахборот тарқатиш воситалари, жумладан, радио, телевидение, матбуот ҳамда Интернетдан бирдай фаол фойдалана олиши;

- аҳолининг сиёсий-психологик иммунитети билан боғлиқ масалалар;

- республикада хорижий ОАВга нисбатан аксил тарғибот-ташвиқот тизимининг мавжуд эмаслиги;

- маҳаллий ОАВнинг Интернет тармоғида нофаоллиги

Демак, юқорида келтирилган усуллар маълум амаллар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, уларни амалга оширишдан ахборот хуружининг обьекти ва субъекти, куч ва воситалар, ресурслар ва вақт омилини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Юқори даражада ахборот хуружидан кўзланган асосий мақсад - рақиб давлат ахборот майдонини эгаллаб олиш, халқаро майдонда давлат имиджини тушуриш, жамият ҳаётини бекарорлаштириш, шахсни обруслантиришга қаратилган ахборотларни тарқатиш кабиладир. Ҳозирги босқичда мақсадга эришиш учун асосий воситалар сифатида ОАВ ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади.

2-савол. Ахборот хуружларининг ижтимоий мухитда амалга ошириш усууллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар давлатимиз равнақи учун тамал тоши бўлиб хизмат қиласди. Бундай жараён, табиийки, халқимизнинг онгу тафаккурининг шаклланишига, дунёқарашимизнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. 2021 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан имзоланган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги қадами, десак адашмаймиз. Мазкур қарор негизида илгари сурилган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар ҳамда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган фаолиятнинг узвий давоми саналади.

Буюк мутафаккир аждодимиз Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг: “Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди” деган пурмаъно ибораларини ҳар бир инсон ақл муроқабасидан ўтказиши керак бўлади. Шу боис ҳар биримиз ҳавои нафсга берилмасдан, ақл кучи билан ўз фарзандларимиз, ўз келажагимиз йўлида бирлашишимиз, курашишимиз зарур.

Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотлар халқаро муносабатлар тизимида янги жаҳон тартиботини шакллантириш учун олиб борилаётган бир даврда кечмоқда. Глобаллашув жараёнининг шиддат билан кечиши натижасида жаҳон халқаро муносабатлар тизимида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Учинчи Реннесанс” даври нафақат ёшларда, балки ҳар бир шахс, ҳар бир фуқарода масъулият ҳиссини юзага келтирмай қолмайди.

Бу эса, ўз навбатида, маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиришни, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Бизнингча, олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда юзага келган сиёсий воқеликни атрофлича илмий таҳлил этиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Бу борада, Евросиё маконида вазият ва кучлар нисбатининг ўзгариб бориши, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар негизида мунтазам равишда қузатиб бориш, бу борада янгича ёндашувларни излаб топишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланиш

жараёни якунига етмаганлиги, минтақада турли экстремистик гурухларнинг бош кўтариб чиқишилари эҳтимолининг мавжудлиги, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Марказий Осиё минтақасини ўз “таъсир доиралари”га тортишга интилишлари миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорлик масалаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бугунги кунда ўз геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларига эришиш, ҳалқаро майдонда етакчилик учун рақобат олиб бораётган кучлар тарафидан юртимизга нисбатан “ахборот хужуми” уюштирилаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай чиқишилар нафақат хорижий оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, балки юртимиз радио ва теледастурларида, реклама роликларида ҳам бўлиб турибди.

Сиёsatшунослик фанидан маълумки, сиёsat бу – кураш, манфаатлар кураши. Қадимги даврда давлатлараро низолар жангга олиб келган ва улар ўртасидаги муаммолар ечими жанг натижаси билан бевосита боғлиқ бўлган. Бироқ, даврлар ўтиб, “ҳарбий ечим” С.Хантингтоннинг “маданий рақобат”ига айланган бўлса, бугунги кунда эса бу муаммо Ф.Фукуяманинг “ғоявий-мафкуравий қобиқ”ка ўралган “ахборот уруши” доирасида олиб борилмоқда. Милоддан аввалги II асрда хитойлик саркарда Сун Сзи томонидан айтилган: “Юз маротаба жанг қилиб, юз маротаба ғалаба қозониш ғалабанинг аълоси эмас, ғалабанинг аълоси жангга кирмасдан туриб душманни маҳв этишдир” ғояси даврнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда.

Ахборот уруши глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турфа хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини айтиш ўринли. Албатта, бугунги кун учун бу ҳолат янги эмас. Инсоният тарихида чуқур из қолдирган қудратли шахслар ҳарбий аслаҳалардан минг чандон устун турган “ахборот қуроли”дан самарали фойдаланиб келганлар. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишдаги изланишлар хорижий мамлакатларнинг қатор ақлий марказларида XX асрнинг 60-йилларидаёқ бошланган. Бирлашган Қироллик Бош вазири Уинстон Черчиллнинг: “Ҳақиқат ўз шиппагини кийгунига қадар, ёлғон бутун дунёни кезиб чиқишига улгуради” ибораси айнан ахборот урушининг мазмунини белгилаб беради.

Бугунги кунда минтақа ва юртимизга қарши қаратилган “ахборот қуроли”дан фойдаланиш кўлами тобора ортиб бормоқда. Маълумки, “Ахборот уруши” ҳарбий хатти-харакатларга нисбатан жуда арzon бўлиб, у ядро қуролидан ҳам қудратлироқ кучга эга. Яъни, ахборотга эга шахс ҳар қандай жараённи назорат қила олиши ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдалана олиши имкониятини қўлга киритади. Бу курашнинг

объекти ҳам, субъекти ҳам Инсон саналади. Айрим давлатлар томонидан илгари сурилаётган концепсия ва доктриналарда “инсонлардаги ижтимоийлашув ғояларини йўқотиш зарур”лиги очиқдан-очиқ айтилади.

Сиёсатшуносларининг фикрларига кўра ахборот урушининг вазифалари қуидагилардан иборат: 1. Соф мафкуравий таъсир ўтказиш; 2. Мамлакат аҳолисига нотўғри маълумот бериш (давлат ва хукumat раҳбарларига ишончизлик уйғотиш, давлат сиёсатининг айрим йўналишларига норозилик кайфиятларини туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбалари ва каналларига ишончни йўқотиш); 3. Фуқароларга психологик босим ўтказишга уриниш (миш-мишларни тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, ратсизм, диний экстремизм ва фанатизмни юзага келтириш).

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармонда маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилади.

Бугун атрофимиизда маданият соҳасида кечеётган воқеаларни таҳлил қилиб кўрсак, индивидуализм – шахсиятпастлик ғояларининг тарғиботини кўрамиз. Аксарият бадиий фильм, реклама, жумладан кўчалардаги баннерларда, мусиқа ва клипларда фақат пул, бойлик ва маънавиятсизлик тарғиботига кўзимиз тушади. Айрим ҳолларда мутлақо миллий маънавиятимизга зид кўринишлар, сахналар намойиш этилади. Бозор иқтисодиёти муносабатларида бундай “бадиий асарлар” яратилишида фақат айрим “сармоядорлар” ҳомийлик қилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Абу Райхон Беруний “Инсон зоти барча ҳайвонлардан устун яратилган, зоро унга юксак шараф – ақл куч берилган” деган фикрни билдиради. Ўз фикрини давом эттирас экан “Инсон ўз эҳтиёжларининг кўплиги ва ҳимоя воситаларидан чекланганлиги ҳамда душманларнинг кўплиги оқибатида ўз яқинлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш ва муайян вазифаларни бажариш орқали мавжудлигини таъминлаш мақсадида жамоаларга бирлашишларига зарурият сезди”, деб айтади.

Миллий-маънавий қадриятларимизга хуруж кеча ёки яқин ўн йилликлар олдин эмас, балки бир неча аср аввал бошланган. “Демократик нур” олиб келишга интилган қатор ёзувчи-шоирлар, кинорежиссёrlар, санъат арбоблари аждодларимиз нақадар қолоқ, маданиятсиз бўлганликларини ифода этувчи

асарлар ижод этганлар. Афсуски улар орасида халқимизнинг манқуртлашган “фарзандлари” ҳам бўлиб, уларнинг бу борадаги жонбозликларини ҳали-хануз кўриш мумкин.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгосентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Юртимизда шахсиятпарастликни кучайтириш, жамиятни пароканда қилиш, маданиятимизни йўқотишига қаратилган ахборот хуружи тизимли асосда олиб борилмоқда. Мазкур жараёнлар хорижий ақлий ва таҳлилий марказлар доирасида ишлаб чиқилиши билан бирга, ушбу жараёнга юртдошларимизнинг ҳам жалб этилиши, афсуски қузатилмоқда.

Тўғри, инсонларда бир хил қадрият ва бир хил эҳтиёжлар бўлмайди. Форобий фикрига кулоқ тутсак, “инсонда мажбурият ва масъулият бўлиши фозил шаҳар”га, акси бўлса жоҳил шаҳарга олиб келишини айтади. Инсонлар эса қайси жамиятда яшашни афзал кўришларини танлаши зарур бўлади.

Айнан шу сабабли оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда Марказий Осиё минтақасидаги воқеаларни шишириб кўрсатишга уринишлар орқали мунтазам ахборот хуружи олиб борилиши кузатилади.

Бугунги воқеликни илмий таҳлил қилиш асосида қўйидаги йўналишларда “ахборот хуружи” олиб борилаётганини кўриш мумкин:

Биринчи йўналиш, давлат раҳбари, депутатлар, ҳукумат аъзолари шаъни ва фаолиятига нисбатан хуруж;

Иккинчи йўналиш, олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини тушириш, халқнинг ишончини йўқотишига қаратилган интилиш;

Учинчи йўналиш, жамиятни турли гурухларга ажратиш орқали дефрагментациялаш, уларни бир-бирларига қарши қўйиш;

Тўртинчи йўналиш, миллий ва маънавий қадриятларни барбод қилиш, “оммавий маданият”га асосланган сохта қадриятларни сингдириш.

Бешинчи йўналиш, ҳукуқни муҳофаза этувчи органлар – ички ишлар, мудофаа, хавфсизлик идоралари фаолиятига нисбатан салбий кайфиятни тутғдириш;

Олтинчи йўналиш, келгусида муайян мақсадларни амалга ошириши мумкин бўлган шахсларни оммалаштириш, уларни “халқ қаҳрамонлари”га айлантириш.

Демак, ахборот хуружини бартараф этиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳукуқий, тузилмавий ва ғоявий

асосларни ўзида мужассам этган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилган. Бу борада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташки хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат миллий манфаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини кафолатли таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, давлат сиёсати миллий манфаатлар ҳамда ташки сиёсатга жавоб тариқасида олиб борилиши билан бирга, “ақлий марказлар”нинг илмий концепция ва назарияларига таянган тавсиялари асосига ҳам таянилади. Мамлакатимизда ҳам шундай таҳлилий илмий-амалий марказлар бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Глобаллашув жараёнида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардаги илмий-тадқиқот марказлари ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, тегишли муассасалар мазкур йўналишларда доимо изланишда бўлишни, устувор йўналишларни мунтазам равишда коррексиялаш, уларни амалга оширишда кенг ўлчамли ва чуқур ўйланган фаолият олиб боришни, геосиёсий ва геостратегик тенденсияларни (“геостратегик иштирокчилар” ёндашувини) қузатиб боришни талаб этади.

Турк ёзувчиси, шоир ва публицист Ниҳал Атсизнинг “Миллат ва Ватан хоини бўлиш учун душманларга ҳарбий сирларни ўғирлаб, сотиши шарт эмас. Душманларни алқаш, уларнинг мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, ўз маданияти ва тарихини инкор этиш – бу ҳам хиёнат саналади”, деган фикрини эслаш ўринли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ушбу қарори фуқароларнинг, қолаверса ёшларнинг фикрлаш тарзи, дунёқарashi, одамлар билан муносабатида янги қарашларни пайдо қилишда асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Зоро, маънавиятли жамият ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда, биринчидан, тарғибот-ташвиқот тизимини шакллантириш, иккинчидан, ташки ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манфаатлар негизида кўриб чиқиш ва баҳо бериш, учинчидан, миллий мафкура негизларини аниқлаш ва аниқ сиёсий мақсадларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизmlарини такомиллаштириш керак бўлади.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, ахборот-коммуникацион технологияларидан жамият соҳаларининг барча жабҳаларида фойдаланишининг кенгайиб борилаётганлиги ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳамда ахборот хуружларининг кучайиб бориши ва уларнинг

ёпиқ характерга эга эканлигини инобатга олиб, у биздан ахборотга бўлган тақчилликнинг олдини олиш (миллий ахборот маконини ривожлантириш), содир бўлган воқеликка тўғри ва холис баҳо бериш (амалга оширилаётган ахборот хужумларини таҳлил қилиш ва башоратлар бериш), турли ёт ғояларга (қўпорувчилик руҳидаги) қарши курашиш ва бу соҳада етук мутахассисларни тайёрлашни талаб қиласди. Ҳар бир ахборотни қабул қилаётган шахслар уни ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини дастлабки ўқищда ажратиш даржасига етказиш талаб қилинади. Ушбу омиллар шаклланганда турли деструктив кучлар томонидан амалга оширилаётган тарғибот ва қўпорувчилик ҳаракатларига барҳам беришимиз мумкин. Онгни бўйсундириш, ақлни бузиш, ахборот урушлари ҳақида фикр билдириш кимлар учундир баландпарвозлик, жимжимадор гаплар бўлиб туюлар. Муносабатларнинг турли эканини табий қабул қилиш лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот асрида амалга оширилиши одат тусига кириб бораётган турли айёргликларни ўз вақтида англаб, уни мафкуравий иммунитет чиғириғидан ўтказган ҳар бир одам маънавий компасини қаерга йўналтиrsa, мақсадга мувофиқ бўлишини чуқурроқ тушуниб етади. ОАВ ва реклама агентликлари катта рол ўйнаши билан бир қаторда, аксинча, мазкур хавфнинг олдини олиш ёки тўғрилашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақил тайёргарлик:



1. Ахборот нима?
2. Ахборот хуружи деганда нимани тушунасиз?
3. Ахборот хуружи турлари?
4. Ахборот хуружи белгилари?
5. Ахборот хуружи уларнинг мазмун ва моҳияти?
6. Республикамизда кириш мумкин бўлмаган сайт ва гуруҳларни биласизми?
7. Интернет сайtlари ва нашрлари орқали жамоатчилик фикрини манипуляция қилишда қайси усувлардан кенг қўлланилмоқда?
8. Манипуляция (омма онгини бошқариш) тушинчасига изоҳ беринг?
9. Дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш) тушинчасига изоҳ беринг?
10. Дискредитация (омма ишончини йўқотишга интилиш) тушинчасига изоҳ беринг?
11. Компрометация (обрўсизлантириш) нима дегани?
12. Диверсия (бузиш, қўпорувчилик) усули нима?
13. Биринчилик эфекти деганини қандай ифода этоласиз?

14. “Геббельс” ёки кўп марта такрорлаш усули бу нима?
15. Айрим фактларни яшириш ва бошқаларини бўрттириб кўрсатиш нимадан иборат?
16. Овозаси кетган воқеа иллюзияси нима экан?
17. Ёрлиқлар ёпиштириш нима учен керак?
18. Ярқироқ умумлашмалар қанақа усул?
19. Нисбат бериш (аналогия) усули тушинтириг.
20. Оддий халқقا мансублик (ўз одамимиз) ўйини қанақа?
21. Фактларни бузиб кўрсатиш усулига изох беринг?
22. Троллинг бу нима?
23. Сокпаппетинг нима?
24. Микротаргетлаш нима?

3-МАВЗУ. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, ТУРЛАРИ, ЗАРАРЛАРИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ (2 соат)

Режа:

1. Кибержиноят тушунчаси, мазмун ва моҳияти.
2. Кибержиноятлар турлари, унинг жамиятга етказаётган заарлари.

Кибержиноятнинг салбий оқибатлари.

Хуласа

1-савол. Кибержиноят тушунчаси, мазмун ва моҳияти.

Асримизнинг глобал муаммолари қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятчилик кириб келганига ҳам анча бўлди. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни ўзлаштириш талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўхтон, маънавий бузук маълумотларни тарқатиш билан башарият ҳаётига катта хавф колаётганидан кўз юма олмаймиз.



Глобал ахборот маконида шахс, жамият ва давлатнинг муҳим миллий манфаатларини ҳимоя қилишда хорижий мамлакатлар ҳукуқий базани такомиллаштириб бориш орқали кибержиноятларга қарши курашиш ва янгиланиб бораётган ноқонуний кўринишлардаги виртуал муносабатларга қарши тура олмоқда.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгиловчи биринчи қонун лойиҳаси АҚШда 1977 йилда ишлаб чиқилган . Ушбу қонун лойиҳаси асосида 1984 йил октябрь ойида компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлган «Компьютер фирибгарлиги ва суиистеъмоллиги тўғрисида»ги қонун (СФАА) қабул қилинган ва ҳозирга қадар қўшимчалар киритиб борилмоқда. Компьютер фирибгарлиги ва суиистеъмоли тўғрисидаги қонун бир неча асосий ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди: компьютер жосуслиги; маълумотларга рухсатсиз кириш; компьютер фирибгарлиги; ҳимояланган компьютерларга қасдан ёки бепарволик билан зарар етказиш; компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган таҳдидлар, товламачилик, шантаж ва бошқалар.

АҚШда кибержиноятлар учун санкциялар пул жарималари ва қамоқни ўз ичига олади. Жазо кўпгина омилларга боғлиқ: содир этилган жиноятнинг оғирлиги, қилмиш туфайли етказилган иқтисодий зарар миқдори, судланувчининг жиноий ўтмиши ва бошқалар.

Буюк Британияда “Компьютерни суиистеъмол қилиш(ноқонуний мақсадларда фойдаланиш) тўғрисида”ги қонун 1990 йил августидан бери амал қиласди. Ушбу Конуннинг биринчи банди «компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш» билан боғлиқ. Агарда, ҳар қандай компьютерда мавжуд бўлган ҳар қандай дастур ёки маълумотларга киришни таъминлаш мақсадида бирон-бир вазифани бажариш учун компьютердан фойдаланганда, агар бу кириш рухсатсиз эканлиги маълум бўлса, шахс жиноят содир этган ҳисобланади.

Германия Жиноят кодексининг 202-моддасида “Датен” деб аталувчи маҳсус атама бўлиб, бу атама электрон, магнит ёки бошқа тарзда сақланадиган ёки узатиладиган маълумотларни, шунингдек компьютер маълумотларини тўғридан-тўғри кўриш мумкин эмаслиги билдиради.

Моддага кўра, шахснинг ўзи учун мўлжалланмаган, рухсат этилмаган киришдан алоҳида ҳимояланган компьютер маълумотларини ўзи ёки учинчи шахс манфаатини кўзлаб олиш мақсадида ноқонуний равища олиш уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Маълумотларни ўчириш, йўқ қилиш, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келтириш, ўзгартириш ёки бунга уриниш жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли Конуни қабул қилинди. Шу Конунда кибержинояларга оид атамалар мазмuni келтирилган. Жумладан:

кибержиноятчилик - ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибормаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йифиндиси;

кибормакон - ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал мухит;

кибертаҳдид - кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи;

киберхавфсизлик - кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

киберҳимоя - киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга қаратилган хуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи;

киберхужум - кибормаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасдан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган харакат.

Шу ўринда кибертерроризм ва унинг жамият хаётига солаётган хавфининг кўлами ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Кибертеррористик харакат (киберхужум) - компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ёки потентсиал хавф туғдириши мумкин бўлган, моддий обьектларга катта зарап етказиши ёки шунга олиб келиши мумкин бўлган, ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабdir. Замонавий террорчилар учун кибормакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қиласлиги билан боғлик.

Экспертларнинг хулосасига кўра, бу ривожланаётган давлатларнинг тараққиётига кўмаклашиш, умуминсоний демократик тамойилларни қарор топтириш никоби остида фуқаролар онгига таъсир ўтказиш, уларни турли йўллар билан ўз мақсадлари сари бўйсундириш орқали амалга оширилмоқда.

Афсуски, бу жараёнда киберхужумларни уюштириш, бу йўлда интернет глобал тармоғининг мислсиз имкониятларидан «самарали» фойдаланишга уринишлар тобора авж олмоқда.

Интернетда мавжуд ижтимоий тармоқлар, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ва ҳомийларининг суверен давлат ички ишларига

«аралашышлари» қандай рол ўйнаши охиригача ўрганилмаганлиги боис баъзан бундай «аралашув» мазкур давлатга қарши эканлиги ҳали ҳануз эътироф этилгани йўқ.

Ижтимоий тармоқлар эгалари ушбу тармоқлар саҳифаларида давлат тузумини ағдаришга даъват қилингани учун жавобгарликка тортилишининг халқаро миқёсдаги ҳуқуқий асослари яратилмаган. Ваҳоланки, ҳар бир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мазмун-моҳиятига қўра, албатта, жавобсиз ва жазосиз қолмаслиги керак.

Интернет сайatlari тўсатдан пайдо бўлиб, кўпинча форматини, сўнгра манзилини ўзгартиради. Шу боис айрим экспертлар интернетнинг буткул очиқлиги каби дастлабки контсепциялардан воз кечиб, унинг янги тизимиға ўтишни таклиф этмоқда.

Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишидир. Бу тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди.

Мисол тариқасида, ёпиқ тармоқ тизимиға ўтган Хитой давлатини ва бундай жараёнга тайёргарлик кўраётган Россия давлатини келтиришимиз мумкин.

2-савол. Кибержиноятлар турлари, унинг жамиятга етказаётган зарарлари. Кибержиноятнинг салбий оқибатлари.

Сўнгги йилларда хакерларнинг веб-сайtlарга уюштираётган ҳужумлари сони тобора ошиб бормоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида «хакер» сўзи компьютер ва ахборот технологияларини пухта билган инсонларга нисбатан ишлатилган. Бугунги кунга келиб эса бу сўз ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ноқонуний ҳаракатларни бажарувчи, ахборот тизимлари ва дастурларини бузиб кириб, улардан рухсатсиз фойдаланувчи, илова ҳамда веб-саҳифалар муҳофазасини бузиш ва вирус тарқатиш орқали кибержиноятчилик уюштирадиган шахсга нисбатан ишлатилади.

Хакер оддий фойдаланувчи каби дастурлардан тўғридан-тўғри эмас буйруқлар сатридан фойдаланади.



Бу сахифага керакли буйруқни тўғри ёзиш етарли. Масалан, компьютер соат 20:00 да ўчсин.

Хакерларни асосан ҳозирда икки тури мавжуд: булар “whitehat” ва “blackhat”. Оқ ва қорақалпоқли хакелар.



Хакерларни ўз билим ва салоҳиятларини қай йўлда сарф этаётганларига кўра иккига: яхши ва ёмонга ажратиш мумкин. Иккала хакерлар (кибер ўғрилар) ҳам битта нишон устида ишлайдилар, яъни бирор-бир дастурий таъминотнинг заиф томонини топиш билан шуғулланадилар. Лекин яхши хакерлар ҳеч қачон қасдан ёки билган ҳолда сайтларни ва ҳар хил сервер компьютерларни бузмайдилар, яъни улар ҳар доим ҳамма ихтиrolар ва янги яратилган дастурий таъминотларнинг хатоликларини топишга ҳаракат киладилар. Бу билан компьютер дастурний ва техник камчиликларини бартараф этиб, ахборот коммуникация технологиялари ривожига ўз ҳиссаларини кўшадилар. Бундан ташқари, топилган заифликларни ўша дастурий таъминот администраторлари ва фойдаланувчиларга етказиб, уни бартараф этишда иштирок этадилар. Бу иш орқали ўз билимлари доирасини кенгайтириш ва ҳақиқатдан ҳам проффессионал компьютер мутахассиси эканликларини исботлашни мақсад қилиб олганлар. Уларни одатда, компьютер санитарлари деб атайдилар. Ёмон хакерларни эса бемалол кибер ўғрилар деб аташ мумкин. Сабаби улар ҳар доим қилган ишларида ноконуний ҳаракатга аралашган бўладилар. Масалан, бирор-бир дастурга ноконуний лицензия коди ишлаб чиқарувчи дастур, махфий серверлардан ҳар-хил хужжатларни ўмариш ва шунга ўхшаш ноконуний хатти-ҳаракатларни юзага келтирадир. Кўп ҳолларда, уларни «Краскерлар» деб аташ мумкин. Буларнинг 10 тадан 9 таси ҳаваскорлар ҳисобланадилар. Ҳаваскор кибер ўғрилар фақатгина бошқаларнинг дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда жуда заиф, яъни яхши ҳимоя қилинмаган серверлар, дастурий таъминотларини бузадилар. Хакерлар -фаолияти бўйича бир неча типларни ташкил этади:

1. Хакерлар-вирус (кибер ўғрилар) яратувчилардир.
2. PEN TESTER - ҳар хил сайтларни бузувчилар (Webxacker)лар.
3. Kracker - дастурий таъминотлар, ўйинлар ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни бузувчилар.
4. Shellcoders & Reverser - бутун жаҳон профессионал хакерлари.

Бундан ташқари, кибер ўғриларнинг амалга оширадиган жиноятлари турларига кўра яна бир неча типларга бўлиш мумкин, масалан: «Маданиятсиз» кибер ўғрилар - улар ёмон ҳисобланган хакерларнинг жуда кам қисми бўлиб, бирор нарсани таг-тубидан йўқ қилиб ташлаш учун ишлайдилар. Уларни яна ушбу «rm -f -d*, del *.*, format c:» буйруқларини севувчилар деб аташ мумкин. Умуман олганда, бу типдаги хакерларни бутун компютер оламидагилар ёмон кўрадилар. «Хазилкаш» кибер ўғрилар - Уларни хакерлар қизиқчилари деб айтиш мумкин. Улар одатда, катта зарар келтиришмайди. Бирор-бир сервер ёки сайтни бузганларида, ўз лақабларини қолдириб, сервернинг файлларига тегмасдан чиқиб кэтишади. Бошқача айтганда, уларни турли мусика ва чиройли эфектлар кўрсатувчи вирус яратувчилар деб аташ мумкин. «Издан чиқарувчи» кибер ўғри (взломщик) ларнинг асосий вазифаси -у ердаги маълумотларни ўғирлаш ёки алмаштириш учун компютер тизимларини жиддий мақсадлар билан бузишдан иборат. Кибер ўғрилар доирасида жуда ҳам катта ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлган профессионал крекер (kracker) лар бор. Умуман олганда, тизимни издан чиқариш учун қуидаги асосий босқичлар амалга оширилади: ҳисоблаш тизимини ундаги бош нуқталарини аниқлаш учун ўрганиб, дастурий хужумни ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалга ошириш. Албатта, ўз мақсадига эришиш учун барча уч босқични босиб ўтган кибер ўғринигина ҳақиқий профессионал хакер дейиш мумкин

Қора хакерлар ўз савдо ва бошқа алоқаларини асосан даркнетда амалга оширади.



АҚШнинг Arbor Networks дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари маълум қилишича, ишлаб чиқариш, компаниялар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши уларни

виртуал дунёда ҳам рақибга айлантирган ва компаниялар рақибларининг онлайн савдоси ёки тизимларини ишдан чиқариш мақсадида, хакерларни ёлламоқдалар.

Замонавий кибержиноятчилик орқали бугун хакерлар уларни ёллаётган муассасаларга хизматларини сотишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар ўзлари кирган тизимлардан маълумотларни ўғирлаб, мижозларига сотадилар. Ёки ёлланма қотиллар каби, бошқа компаниянинг ахборот тизимларини йўқ қиласидилар.

Ушбу хизматлари учун хакерларга соатига 2.50 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи тўланар экан. Айниқса, бир нечта компьютерлар тармоғида хизмат кўрсатишини рад қилувчи заарли тизимларнинг ўрнатилиши, яни DDoS-хужумларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Евгений Касперскийнинг таъкидлашича, сўнгги ойларда «ақлли уй» ва интернет буюмлар тизимларига уюштирилган йирик хуружлар аниқланган. Интернетга уланган ҳар қандай гаджетнинг IP-манзили орқали «ақлли уй»ларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни ўғирлаш, компьютерлар тармоғи бўлган ботнетларга хужум уюштириш мумкин.

Хакерлар нафақат видеокамералар, автомобил, самолёт компьютерлари, балки бугун оммалашётган «ақлли чироқ»ларни, бундан ҳам жиддийроқ хавфсизлик тизимларини масофадан туриб ишдан чиқаришади ва уларнинг устидан назоратни қўлга олишади. Натижада, улар йирик авария, ёнгин ва бошқа турдаги баҳтсиз ҳодисаларни сунъий равишда келтириб чиқаришади. «Касперский лабораторияси» тадқиқтоларидан маълум бўлди, интернетга уланган деярли барча автомобилларнинг рақамли калитларини тайёрлаш ва тизимларини масофадан бошқариш мумкин.

Ягона чора – ҳимояланган кучли платформа



Хакерлар 2016 йилда Украина ва Германиядаги йирик электростанцияларни вирус ёрдамида ўчириб қўйишилари билан боғлиқ хуружлар хакерларнинг атом станцияларига ҳам уюштириши мумкинлиги, бу эса фожеали техноген ҳалокатларни келтириб чиқаришидан далолат беради.

Евгений Касперский хакерларнинг хуружини инобатга олган ҳолда, янги кучли платформа яратиш ғоясини илгари сурди. Унинг сўзларига кўра, тўлиқ

химояланган тизимни яратиш иложсиз, бироқ замонавий хуружларга мослаша оладиган турли қурилмалар учун универсал химоя тизимини яратишнинг имкони бор.

«Касперский лабораторияси» хакерлардан химоя тизимларини ишлаб чиқиши бўйича тажрибали мутахассисларни ишга олади. Касперский ҳар қандай тизимни ишлаб чиқишида, аввало, унинг хакерлик хуружларига чидамлилигини ҳисобга олиш кераклигини айтди.

Яна бир қизиқарли далил – Евгений Касперский смартфондан фойдаланмайди. Унинг Жаҳон Mobil Kongress и чоғидаги чиқишида тадбир бошловчиси ундан мобил алоқа воситасини кўрсатишини сўраганида Касперский Sony Ericsson брендидаги эски телефонни қўлига олди. Унинг сўзларига кўра, эски телефондан фойдаланиш унинг учун қулай, бу унга ҳеч қачон панд бермайди. Энг муҳими, у замонавий смартфонлар каби нозик эмас.

Хулоса

Компьютер тизимларига киришга рухсат берувчи паролларни ҳар 6 ойда бир марта янгилаш зарурлигини жаҳонинг аксарият компаниялари одатларига айлантиришган. Аксарият хакерлар умумий пароллар билан хужум уюштирадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ходим – хавфсизликнинг энг нозик нуқтаси. Фишинг-хужумлар фойдаланувчининг электрон почтаси, ижтимоий тармоғидаги саҳифалари орқали ахборотларни ўғирлашга уринишади. Хакер логин ва маҳфий сўзларни аниқлашга уриниб, ходимларга сохта, аслига айнан ўхшаш сайтларнинг манзилини юборади. Бу кибер жиноятчиликнинг олдини олиш учун эса ходим малака ва билимга муҳтоҷ.

Мустақил тайёргарлик: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли Қонуни билан танишиб чиқиши.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ (6 соат)

4-МАВЗУ: АҲБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ТЕХНИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ (амалий машғулот -4 соат)

Режа:


1-савол. “Windows хавфсизлиги” тушунчаси

2-савол. “Windows хавфсизлиги”ни созлаш.

1-савол. “Windows хавфсизлиги” тушунчаси

Windows 10 ва 11 операцион тизимлари вирусларга қарши энг сўнгти янгиланишларни таъминловчи “Windows хавфсизлиги” (Безопасность

Windows)ни ўз ичига олади. Қурилмангиз windows ишга туширилгандан бошлаб фаол ҳимояга эга бўлади (1-расм).



1-расм. Windows хавфсизлиги ойнаси

Мухим хавфсизлик маълумотлари

- Windows хавфсизлиги windows тизимида ўрнатилган ва “Microsoft Defender Antivirus” деб номланган антивирус дастуридан фойдаланади. (Windows 10 нинг олдинги версияларида windows хавфсизлик тизими “Центр безопасности Защитника Windows” деб номланган);
- Бошқа антивирус дастурини ўрнатганингизда ёки ёқсангиз, Microsoft Defender Антивирус автоматик равишда ўчирилади. Агар сиз бошқа антивирус дастурни ўчириб ташласангиз, Microsoft Defender Antivirus автоматик равишда ёқилади;
- Агар сиз windows хавфсизлик янгиланишларини олишда муаммоларга дуч келсангиз, windows янгиланишлар маркази (Центра обновления windows) хатоларидаги муаммоларни бартараф этиш бўлимини танланг;
- Операцион тизимида ўрнатилган иловани ўчириш учун windows операцион тизимида иловаларни тузатиш ёки ўчириш бўлимини танланг;
- Фойдаланувчи ўз қайд ёзувини администраторга ўзгартириш учун windowsда маҳаллий фойдаланувчи ёки администратор қайд ёзувини яратиш бўлимига киринг.

2-савол. “Windows хавфсизлиги”ни созлаш.

Windows хавфсизлик функциялари билан таънишиш ва уларни созлаш

Windows хавфсизлик - бу жой қурилма ва маълумотларини ҳимоя қилувчи воситаларни бошқариш учун:

- Вирус ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш (Защита от вирусов и угроз) - қурилмангизга таҳдидларни кузатиш, сканерлашни амалга ошириш ва

энг сўнгги таҳдидларни аниқлаш учун янгиланишларни ўрнатиш имконини беради;

- Қайд ёзувини ҳимоя қилиш (Защита учетных записей) - тизимга кириш ва қайд ёзуви созламаларига кириш, жумладан Windows Hello ва динамик блокировка (ҳимоя) қилиш;
- Хавфсизлик девори ва тармоқни ҳимоя қилиш (Брандмауэр и защита сети) - хавфсизлик девори созламаларини бошқариш ва тармоқларингиз ва интернет уланишларингиз билан содир бўлаётган воқеаларни кузатиш имконини беради;
- Иловалар ва браузерларни бошқариш (Управление приложениями и браузером) - қурилмангизни потентциал хавфли иловалар, файллар, веб-сайтлар ва юклаб олишлардан олдин ҳимоя қилиш учун Microsoft Defender SmartScreen фильтр созламаларини янгилайди. Сиз эксплуатациядан ҳимояга эга бўласиз ва қурилмаларингиз учун ҳимоя созламаларини созлашингиз мумкин;
- Қурилма хавфсизлиги (Безопасность устройства) - қурилмангизни заарли дастур хужумларидан ҳимоя қилиш учун ўрнатилган хавфсизлик созламаларини кўрсатади;
- Қурилманинг ишлаши ва ишлаш қобилияти (Производительность и работоспособность устройства) - қурилмангизнинг ишлаши ва унумдорлиги ҳолатини кўринг ва қурилмангизни тоза сақлаш ва “windows”нинг энг сўнгги версияси билан янгилаб туриш;
- Оила (Семья) - фарзандларнинг онлайн фаолиятини ва оила аъзоларининг қурилмаларини кузатиб бориш.

Windows хавфсизлигига кириш учун қуйидагича амалга оширилади:

Пуск > Параметры > Обновление и безопасность

> Безопасность Windows

Ҳолат пиктограммалари хавфсизлик даражасини билдиради:

- **Яшил ранг** тавсия қилинмаган ҳаракатни билдиради.
- **Сариқ ранг** сиз учун хавфсизлик бо'йича маслаҳатлар борлигини билдиради.
- **Қизил ранг** дарҳол ҳаракат қилиш кераклигини огоҳлантиради.

Заарли дастурларни сканерлашни қўлда ишга тушириш:

Агар маълум бир файл ёки жилднинг хавфсизлигини текширмоқчи бўлсангиз, проводнике файл ёки папкани ўнг тугмасини босинг ва кейин Microsoft Defender билан текширишни танланг.

Агар сиз қурилмангизда вируслар ёки заарли дастурлар мавжудлигига шубха қылсангиз, қурилмангизни зудлик билан текширишингиз керак. Бу барча файл ва папкаларни түлиқ сканерлашдан кўра тезроқ.

Windows хавфсизлигига “Вирус ва таҳдидлардан ҳимоя” (Защита от вирусов и угроз).

Windows хавфсизлигига “Вирус ва таҳдидлардан ҳимоя” қурилмангиздаги таҳдидларни сканерлашга ёрдам беради. Шунингдек, сиз турли хил сканерлаш турларини бажаришингиз, олдинги вирус ва таҳдидларни сканерлаш натижаларини кўришингиз ва Microsoft Defender антивирусидан сўнгги ҳимояни олишингиз мумкин (2-расм).

Защита от вирусов и угроз

Защита устройства от угроз.

ESET NOD32 Antivirus 7.0

Приложение "ESET NOD32 Antivirus 7.0" включено.

Текущие угрозы

Информация о состоянии недоступна. Откройте ESET NOD32 Antivirus 7.0, чтобы получить сведения.

Параметры защиты

Информация о состоянии недоступна. Откройте ESET NOD32 Antivirus 7.0, чтобы получить сведения.

Обновления защиты

Информация о состоянии недоступна. Откройте ESET NOD32 Antivirus 7.0, чтобы получить сведения.

[Открыть приложение](#)

2-расм. Вирус ва таҳдидлардан ҳимоя ойнаси

- Ҳозирда қурилмангизда топилган барча таҳдидларни кўринг.
- Сканерлаш қурилмада охирги марта қачон амалга оширилганлигини, қанча вақт кетганини ва қанча файл сканерланганлигини кўринг.
- Янги тезкор сканерлашни бошланг ёки каттароқ ёки мослаштирилган сканерлашни амалга ошириш учун сканерлаш опсияларига ўтинг.
- Карантиндаги таҳдидлар сизга таъсир қилишидан олдин ва сиз қурилмангизда рухсат берган таҳдид сифатида аниқланган барча нарсаларни кўринг.

Лекин ҳозирда кўп фойдаланувчи ўзига маъқул келган антивирус дастуридан фойдаланади.

Windows хавфсизлигида “Қайд ёзувини ҳимоя қилиш” (Защита учетных записей).

Бу бўлимга кириш қуйидагича амалга оширилади (3-расм):

Пуск  > Параметры  > Учетные записи  > Варианты входа.

Защита учетных записей

Безопасность учетной записи и вход в нее.

Учетная запись Майкрософт

Вы вошли с помощью учетной записи Майкрософт и можете воспользоваться функциями усиленной безопасности.

Учетная запись: jaxongir.tmi93@gmail.com

[Просмотреть данные учетной записи](#)

[Подробнее](#)

Windows Hello

Windows Hello настроена для более быстрого и безопасного входа в систему.

[Управление параметрами входа](#)

Динамическая блокировка

Динамическая блокировка не настроена, при этом она доступна на вашем устройстве.

[Параметры динамической блокировки](#)

3-расм. Қайд ёзувини ҳимоя қилиш ойнаси

Бу ойнада “Майкрософт қайд ёзуви”, “Windows Hello” ва “динамик блокировка қилиш” бўлимларидан иборат.

Майкрософт қайд ёзуви бўлимида сиз қайси қайд ёзувидан фойдаланаётганлигингиз, хуқуқларингиз ва аватар учун расм танлашингиз мумкин.

Windows Hello бўлими (4-расм).

Windows Hello сизга юз, кўз қорачиғи, бармоқ изи ёки PIN-код ёрдамида курилмалар, иловалар, веб-хизматлар ва тармоқларга кириш имконини беради. Windows қурилмангиз уни қўллаб-кувватласа ҳам, Windows Hello биометрик функциясидан фойдаланиш шарт эмас. Агар буни қилмасликни

танласангиз, юзингиз, күз қорачиғингиз ёки бармоқ изингизни идентификация қилувчи маълумотлар фактат қурилмангизда қолишига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Windows қурилмангизда ёки бошқа жойда юзингиз, күз қорачиғингиз ёки бармоқ изларингиз тасвирларини сақламайди.

Варианты входа

Управление входом в устройство

Выберите вариант входа, чтобы добавить, изменить или удалить его.



Распознавание лиц Windows Hello

Этот параметр сейчас недоступен. Щелкните, чтобы получить дополнительные сведения



Распознавание отпечатков пальцев Windows Hello

Этот параметр сейчас недоступен. Щелкните, чтобы получить дополнительные сведения



ПИН-код для Windows Hello

Вход с помощью ПИН-кода (рекомендуется)



Ключ безопасности

Вход с помощью физического ключа безопасности

Требовать выполнение входа с помощью Windows Hello для учетных записей Майкрософт

Для повышения безопасности разрешите вход Windows Hello для учетных записей Майкрософт на этом устройстве (рекомендуется)



Вкл.

[Подробнее](#)

4-расм. Windows Hello ойнаси

Windows Hello бўлимидаги юз, күз қорачиғи ва бармоқ изи биометрик маълумотлар орқали windows тизимидан бошқа фойдаланувчилар фойдаланишини тақиқлаш мумкин.

Хавфсизлик калити - интернетга кириш учун фойдаланувчи номи ва парол ўрнига ишлатилиши мумкин бўлган қурилма (одатда кичик USB калити шаклида). У бармоқ изи ёки PIN-кодга қўшимча сифатида ишлатилганлиги сабабли, кимdir сизнинг электрон калитингизни олган бўлса ҳам, сиз ўрнатган PIN ёки бармоқ изисиз тизимга кира олмайди. Хавфсизлик калитлари одатда компьютернинг ташқи қурилмаларини сотадиган чакана савдо дўконларида мавжуд.

Қурилмани блокировка қилиш - агар сиз қурилмангиздан бир неча дақиқа узоқда бўлишингиз керак бўлса, бошқа одамлар экранингиздаги контентни кўра олмаслиги ёки унга кира олмаслиги учун қурилмангизни кулфлаб қўйганингиз маъқул. Қурилмангизни тезда кулфлаш учун

Windows + L тұгмаларини босинг. Қайтганингизда, факт аутентификация қилиш кифоя қиласы да сиз тұхтаган жойдан давом этишингиз мүмкін.

Динамик блокировка қилиш (5-расм).

⊕ Динамическая блокировка

Windows может использовать устройства, связанные с компьютером, чтобы определить отсутствие и заблокировать компьютер, когда эти устройства выйдут за пределы допустимого диапазона.

- Разрешить Windows автоматически блокировать устройство в ваше отсутствие

[Bluetooth и другие устройства](#)

[Подробнее](#)

5-расм. Динамик блокировка қилиш ойнаси

Windows компьютерингиздан қачон чиқаётганингизни аниқлаш учун компьютерингиз билан боғланган қурилмалардан фойдаланиши ва уланган қурилма билан Bluetooth диапазонидан чиқиб кетганингиздан сүңг компьютерингизни автоматик равища блоклаши мүмкін. Агар компьютерингиздан узоклашсангиз ва уни қулфлашни унұтсангиз, қурилмангизга киришни қийинлаштиради.

1. Windows 10 компьютерида қыйидаги кетма-кетликда танланг
Пуск  > **Параметры**  > **Учетные записи**  > **Варианты входа**.
2. Динамик блокировка қилиш остидаги катақчани белгиланг


⊕ Динамическая блокировка

Windows может использовать устройства, связанные с компьютером, чтобы определить отсутствие и заблокировать компьютер, когда эти устройства выйдут за пределы допустимого диапазона.

- Разрешить Windows автоматически блокировать устройство в ваше отсутствие

3. Кейин “Bluetooth ва бошқа қурилмалар” бандини танланг. Сизде қыйидагича ойна пайдо бўлади (6-расм):

Bluetooth и другие устройства



Мышь, клавиатура и перо

USB Keyboard

USB Optical Mouse

Другие устройства

Bluetooth 1WN90XHnWWCdaFD02whB_101SwKiw5hFBbmRyb2lkU2
hhcmVfMzU4OQ==

Функция Bluetooth выключена

Flash Card Reader/Writer

Ultra USB 3.0


Устройство может работать быстрее при подключении к порту USB 3.0

6-расм. Bluetooth ва бошқа қурилмалар ойнаси

Биринчи бўлиб, bluetooth ни ёқамиз ва ундан кейин


+ Добавление Bluetooth или другого устройства бандини танлаймиз.

4. Шундан сўнг “Добавить устройство” муроқот ойнаси очилади (7-расм).




7-расм. “Добавить устройство” муроқот ойнаси


Добавить устройство” мулокот ойнаси ишга тушгандан сүнг “Bluetooth” банди танланади (7.1-расм).



7.1-расм. “Добавить устройство” мулокот ойнаси Bluetooth ёқилган қурилмалар қидирилади ва топилған фойдаланувчининг қурилма маълумотлари чиқади.




7.2-расм. “Добавить устройство” мулокот ойнаси



7.3-расм. алоқа воситасидаги ойна

Юқоридаги 7.2-расмда келтирилган компьютердаги ҳосил бўлган ойна ва 7.3-расмда алоқа воситасидаги ойна ҳосил бўлади. Компьютердаги “Подключиться” ва алоқа воситасидаги “Устан.сопряж” босилгандан кейин иккита қурилма боғланади ва компьютер ойнасидаги “готово” тугмаси танланади. Шундан сўнг боғланиш ҳақидаги хабар акс этади (7.4-расм).

Другие устройства



7.4-расм. Уланган қурилмалар

Агар компьютерингизни ёнидан “bluetooth” таъсир қилмайдиган жойгача узоқлашсангиз, сизнинг компьютерингиз 30-60 сония ичida блокировка бўлади. Блокировкани очиш учун қайтадан парол терилиши керак. Бундан ташқари бўлимда wi-fi тармоғи орқали қурилмаларни улашингиз мумкин.

Windows хавфсизлигига “Хавфсизлик девори ва тармоқни ҳимоя қилиш” (Брандмауэр и защита сети).

Windows хавфсизлиги тизимидағи хавфсизлик девори ва тармоқ ҳимояси Microsoft Defender хавфсизлик девори ҳолатини кўриш ва қурилмангиз қайси тармоқларга уланганлигини кўриш имконини беради (8-расм). Сиз Microsoft Defender хавфсизлик деворини ёқишингиз ва қуидаги тармоқ турлари учун қўшимча Microsoft Defender хавфсизлик деворига киришингиз мумкин:

- Домен (ишли) тармоқлари
- Шахсий тармоқлар (аниқланган)
- Умумий тармоқлар (аниқланмаган)



8-расм. Хавфсизлик девори ва тармоқни ҳимоя қилиш ойнаси

Учта тармоқ туридан бирини танлаганингизда, сиз вариантлар саҳифасини кўрасиз. Бу ерда, Windows хавфсизлик хизмати, агар мавжуд бўлса, ушбу турдаги тармоқлардан қайси бири билан боғланганлигинги нийатади. Одатда, компьютер бир вақтнинг ўзида фақат битта тармоққа уланади.

Бундан ташқари, ушбу турдаги тармоқ учун хавфсизлик деворини ёки ўчириш учун оддий слайдерни топасиз.

Хўш хавфсизлик девори ўзи нима ва нима функцияларни бажаради?

Хавфсизлик девори глобал интернет ва ташкилотнинг маҳаллий компьютер тармоғи ўртасидаги ҳимоя экранидир. У интернетдан келадиган маълумотларни текшириш ва фильтрлаш функциясини бажаради. Созламаларга қараб, хавфсизлик девори уларга рухсат бериши ёки блокировка қилиши мумкин (масалан, вирусларни ва хакерларни аниқласа).

Тармоқ ҳимоя девори (ёки бошқача айтганда, хавфсизлик девори) ва Windows операцион тизимиға ўрнатилган хавфсизлик девори ўртасидаги фарқни ажратиш керак. Биринчи ҳолда, ечим ташкилотнинг компьютер инфратузилмасининг четига (жисмоний ёки мантиқий) ўрнатилади ва маҳаллий тармоққа уланган барча шахсий компьютерларни ҳимоя қиласди. Бу ҳам дастурий, ҳам дастурий-аппарат ечими бо'лиши мумкин. Иккинчи ҳолда, бу битта фойдаланувчининг компьютерини ҳимоя қилиш учун ишлайдиган дастур.

Шунингдек, хавфсизлик девори ва тармоқни ҳимоя қилиш саҳифасида:

- Иловага хавфсизлик девори орқали рухсат беринг. Агар хавфсизлик девори ҳақиқатан ҳам керакли дастурни блоклаётган бўлса, сиз ушбу илова учун истисно қо'шишингиз ёки маълум бир портни очишингиз мумкин. Ушбу жараён ҳақида қўпроқ маълумот олиш учун (ва нима учун хоҳламаслигинги мумкин) Microsoft Defender хавфсизлик девори орқали иловаларга рухсат бериш хавфини қўринг;
- Тармоқ ва интернет муаммоларини бартараф этиш. Агар сиз тармоққа уланишда умумий муаммоларга дуч келсангиз, муаммоларни автоматик ташхислаш ва тузатиш учун ундан фойдаланинг;
- Хавфсизлик девори билдиришнома вариантлари: хавфсизлик девори бирор нарсани блоклаганда қўпроқ билдиришномалар олишни хоҳлайсизми? Камроқ? Қўйида ушбу созламани созлашингиз мумкин.
- Қўшимча вариантлар. Агар сиз хавфсизлик девори созламалари билан таниш бўлсангиз, классик Windows Defender хавфсизлик девори воситаси очилади, бу сизга кириш ва чиқиш қоидаларини, уланиш хавфсизлиги қоидаларини ва хавфсизлик девори мониторинги журналларини яратишга имкон беради. Аксарият фойдаланувчилар бунга чуқур кириб боришни хоҳламайдилар; Қоидаларни нотўғри қўшиш, ўзгартириш ёки олиб ташлаш тизимни янада заифлаштириши ёки баъзи иловаларнинг ишламаслигига олиб келиши мумкин.

- Стандарт хавфсизлик деворини тиклаш. Агар кимдир ёки бошқаси Windows хавфсизлик девори созламаларига бирор нарса түгри ишламай күйган бўлса, уларни икки марта босиш орқали компьютерни биринчи марта ўзини намоён қилган режимга қайтаришингиз мумкин. Ташкилотингиз хавфсизлик деворини созлаш учун ҳар қандай сиёсатни кўллаган бўлса, улар қайта қўлланилади.

Windows хавфсизлигига “Иловалар ва браузерларни бошқариш” (Управление приложениями и браузером).

Иловалар ва браузерларни бошқариш Windows хавфсизлигига курилмангизни потенциал заарли иловалар, файллар, веб-сайтлар ва юклаб олишлардан ҳимоя қилиш учун Microsoft Defender SmartScreen созламаларини тақдим этади (9-расм).

Управление приложениями/ браузером

Зашита приложений и безопасность в Интернете.

Защита на основе репутации

Эти параметры защищают ваше устройство от вредоносных или потенциально нежелательных приложений, файлов и веб-сайтов.

[Параметры защиты на основе репутации](#)

Защита от эксплойтов

Защита от эксплойтов встроена в Windows 10 для того, чтобы защитить ваше устройство от атак. Защита от эксплойтов уже настроена на вашем устройстве в исходном состоянии для лучшей работы.

[Параметры защиты от эксплойтов](#)

[Подробнее](#)

9-расм. Иловалар ва браузерларни бошқариш ойнаси

Сиз браузерингизда қуидаги ишларни амалга оширишингиз мумкин:

- Номаълум иловалар, файллар, заарли веб-сайтлар, юклаб олишлар ва веб-контентни блоклаш;

- Номаълум иловалар, файллар, заарли сайлар, юклаб олишлар ва веб-контент учун огоҳлантиришларни мослаштириш;
- Блоклаш ва огоҳлантиришларни бутунлай ўчириб қўйиш.

Юқори асосли ҳимоя (Защита на основе репутации) бўлимни сизни заарли ёки потенциал хавфга кирувчи иловалар, файллар ёки веб-сайтлардан ҳимоя қилишга ёрдам бериш учун турли сайлар, хизматлар ва ноширлар, шунингдек, амалдаги таҳдидлар ҳақида Microsoft компанияси биладиган нарсалардан фойдаланади (10-расм). Сиз шахсий компътерингизда истаган бандни ёқиб қўйишингиз мумкин.

Защита на основе репутации

Эти параметры защищают ваше устройство от вредоносных или потенциально нежелательных приложений, файлов и веб-сайтов.

Проверка приложений и файлов

Фильтр SmartScreen в Microsoft Defender помогает защитить устройство, проверяя неопознанные приложения и файлы в Интернете.



SmartScreen для Microsoft Edge

Фильтр SmartScreen в Microsoft Defender помогает защитить ваше устройство от вредоносных сайтов и загрузок.



Блокировка потенциально нежелательного приложения

Заштите свое устройство от приложений с низкой репутацией, которые могут вызвать непредвиденные действия.



SmartScreen для приложений из Microsoft Store

Фильтр SmartScreen в Microsoft Defender защищает ваше устройство, проверяя веб-содержимое, используемое приложениями Microsoft Store.




10-расм. Юқори асосли ҳимоя ойнаси

Эксплуатациядан ҳимоя қилиш (Защита от эксплойтов) бўлимида фойдаланишдан ҳимояланиш қурилмангизда аллақачон ишламоқда ва стандарт ҳимоя созламалари кўпчилик фойдаланувчилар учун жуда мос келади. Бирок, сиз исталган пайт қурилмангиз ва дастурларингиз созламаларини ўзгартиришингиз мумкин. Ташкилотингиздаги қурилмалар ва дастурларни бошқарсангиз, улар ташкилотингиздаги барча қурилмаларда ишлатилиши учун конфигурация қилинган эксплуатациядан ҳимоя созламалари учун экспорт функциясидан фойдаланишингиз мумкин.

Windows хавфсизлигидаги “Курилма хавфсизлиги” (Безопасность устройства).

Курилма хавфсизлиги бўлимида қурилмангизни заарли дастур хужумларидан ҳимоя қилиш учун қуйидаги ички хавфсизлик созламаларини тақдим этади (11-расм).




11-расм. Курилма хавфсизлиги ойнаси

Қуйида тавсифланган функцияларга кириш учун вазифалар панелидаги қидирув майдонига windows хавфсизли сўзини киритинг, натижалар рўйхатидан хусусиятни танланг, сўнгра “Device security” ни танланг.

Ядро изоляцияси (изоляция ядра): компьютер жараёнларини операцион тизим ва қурилмадан ажратиб, заарли дастурлардан ва бошқа хужумлардан қўшимча ҳимояни таъминлайди.

Хотиранинг яхлитлиги - ядро изоляцияси хусусиятидир. Хотира яхлитлиги созламасини ёкиш орқали сиз ҳужум содир бўлган тақдирда заарли коднинг юқори хавфсизлик жараёнларига киришини олдини олишингиз мумкин.


Хавфсизлик бошқарувчиси (обработчик безопасности)да сиз хавфсизлик механизмининг ишлаб чиқарувчиси ва версия рақамлари, шунингдек, хавфсизлик механизми ҳолати ҳақидаги маълумотларни топасиз (12-расм).



12-расм. Хавфсизлик бошқарувчиси ойнаси

Windows хавфсизлигига “Қурилманинг ишлаши ва ишлаш қобилияти” (Производительность и работоспособность устройства).

Қурилмангизни ҳимоя қилишга ёрдам бериш учун Windows хавфсизлиги доимий равища қурилмангизни хавфсизлик муаммолари бор-йүқлигини текширади ва “Производительность и работоспособность устройства” саҳифасида мавжуд бўлган қурилма ҳолати ҳисоботларини яратади. Қурилманинг ишлаши ва ишлаш қобилияти сизни учта асосий ёналишдаги умумий муаммолар ҳақида огоҳлантиради ва уларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар беради (13-расм).



13-расм. Қурилманинг ишлаши ва ишлаш қобилияти ойнаси

- Сақлаш ҳажми - тизимингизда дискда бўш жой тугаяптими?
- Иловалар ва дастурний таъминот - дастурларингиз бузилганми ёки янгиланишга муҳтожмисиз?
- Батарея даражаси - компютерингиз батареясига бирор нарса қўшимча кучланиш келтирияптими? Агар иш столи компьютер хар доим тармоқга уланган бўлса, бу майдон кўринмаслиги мумкин.

Windows хавфсизлигиде “Оила” (Семья).

Windows хавфсизлигиде “Оила” хусусияти сизга фарзандларингизнинг рақамли ҳаётини бошқариш воситаларига осон кириш имконини беради. Фарзандларингиз қурилмаларини тоза ва windows 10 нинг энг сўнгти версияси билан янгилаш туриш ҳамда болаларингиз онлайн бўлганида хавфсизлигини таъминлаш учун “Оила” функциясидан фойдаланинг (14-расм).

14. Параметры для семьи

Получите все необходимое для упрощения цифровой жизни вашей семьи.

Родительский контроль

-  **Защитите своих детей в Интернете.**
Выберите, какие веб-сайты могут посещать ваши дети при использовании Microsoft Edge.
-  **Привейте хорошие привычки проведения времени перед экраном.**
Укажите, когда и как долго ваши дети могут использовать свои устройства.
-  **Следите за цифровой жизнью вашего ребенка.**
Получайте еженедельные отчеты о действиях ваших детей в Интернете.
-  **Разрешите детям покупать уместные приложения и игры.**
Выберите, что могут видеть и приобретать на своих устройствах члены вашей семьи.

[Просмотр параметров для семьи](#)

14-расм. Оила учун созламалар ойнаси

“Оила” бўлимини ёки хусусиятларини созлаш учун account.microsoft.com манзилидаги “Оила” веб-сайтига ўтиш ёки янги Microsoft Family Safety иловасини юклаб олиш учун “Оила” бўлимларини танланг. (Сиздан Microsoft ҳисоб қайдномангиз билан тизимга кириш сўралиши мумкин.) У ердан сиз:

- “Оила” яратинг ёки сиз билан бирга яшайдиган одамларни мавжуд оила бўлимига қўшинг.
- Фарзандларингизнинг онлайн фаолияти ҳақида ҳисбот олинг, ҳатто номақбул веб-сайтлар, иловалар ёки ўйинларни блокланг.
- Фарзандларингиз қурилмалардан қачон ва қанча вақт фойдаланиши мумкинлиги ҳақида жадвал тузиб, компьютердан фойдаланиш вақтини чекланг.
- Болаларга Microsoft дўконидан сотиб олишлари учун пул беринг. Шунингдек, улар қанча пул ва нимага сарфланганини ҳам кўришингиз мумкин.

“Курилмаларни кўриш” функцияси сиз ва оила аъзоларингиз Microsoft ҳисоб қайдномангиз билан кирган барча қурилмаларни кўрсатади ва уларнинг ҳар бири учун саломатлик ва хавфсизлик ҳолатини кўриш имконини беради. Шуни ёдда тутингки, барча қурилмаларни фақат оиладаги катталар

кўришлари мумкин. Қурилмаларингиз учун иловаларни юклаб олишингиз ва ёрдам олишингиз мумкин бўлади. Ҳар қандай windows мобил қурилмаси (масалан, телефон, ноутбук ёки планшет) учун, агар у ёқолиб қолса, “Телефонимни топ” функциясидан фойдаланингиз мумкин. (Шунингдек, ушбу хусусиятни қурилмангиздан ёқишингиз керак бўлиши мумкин).

4.1-МАВЗУ: АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ТЕХНИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ. (амалий машғулот-2 соат)

Режа:

1. Компьютердаги маълумотларимизни ҳимоялаш (WinRaR мисолида)
2. Ўчирилган файлларни тиклаш - ўчиб кетган маълумотларни қайтариш усуллари

1. Компьютердаги маълумотларимизни ҳимоялаш (WinRaR мисолида)

Агар сиз компьютерда қандайдир маҳфий маълумотларни сақласангиз ва уларнинг яқинларингиз ёки бошқалар томонидан тасодифан очиб ўқилишини истамасангиз, у ҳолда энг биринчи ҳаёлингизга келувчи нарса – бу папкага парол ўрнатишдир. Афсуски, Windowsда бундай функция йўқ, шунинг учун баъзи ҳийлалар ва қўшимча дастурӣ таъминотларни қўллашга тўғри келади. Бунинг учун, энг қулай ҳисобланувчи ва умид қиласизки, қурилмангизга аллақачон ўрнатилган дастур – WinRaR архиваторидир. Агарда бу дастур сизда бўлмаса, у ҳолда уни расмий сайтидан бепул юклаб олишингиз мумкин. Ушбу дастур ёрдамида сиз файллар ҳажмини сиқувчи (*ҳаммасининг ҳам эмас!*) архив яратишингиз, унга парол ўрнатишингиз ва хоҳишга қўра, мавжуд архив файлларига қўшимча файлларни жойлаштиришингиз мумкин. Бунинг учун қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- Архивни яратинг (*иичи столида сичқончанинг ўнг тугмаси босиши орқали*) → “Создать” → “Arхив WinRaR”.
- Уни очинг.
- Дастур ойнаси юқори қисмидаги “Добавить” тугмаси устига босинг, керакли файлларни танланг ва буни “OK” тугмасини босиш орқали тасдиқланг (*ёки DragnDrop, яъни керакли файлларни белгилаб, дастур ойнаси устига ўтказинг*).
- Сўнгра “Установить пароль” тугмасига босинг, паролни киритинг ва “OK”

тугмаси билан киритилган ўзгартиришларни архивга нисбатан қўлланг. “!” Парол билан ҳимояланган архив таркибидаги файл(лар) номи ва кенгайтмасининг ён томонида * белгиси турган бўлади. Паролнинг ушбу тарзда ўрнатилишида архив таркибини ҳамма кўра олади, бироқ архив

таркибидаги исталган файлни ишга туширишга уринишда – дастур парол киритиш лозимлигини эслатади. Агарда сиз файллар кўриниб туришини истамасангиз, у ҳолда ойнада, парол ўрнатиш чоғида, “Шифровать имена файлов” бандини фаоллаштириб кетишни унутманг.

2. Ўчирилган файлларни тиклаш - ўчиб кетган маълумотларни қайтариш усуллари

Кўпчилик фойдаланувчиларда вақти келиб шундай савол туғилиши мумкин: ўчирилган расмлар, видеолар ва бошқа файллар қаерга кетади? Ўчиб кетган нарсаларни тиклаш мумкинми? Жавоб: албатта, ҳа. Аввало телефонда ўчган (удалить) қилинган нарсалар билан нима бўлишини тушуниб олиш керак. Android телефондан файл ўчирилса, файл ҳали ҳам худди ўша жойида ўзгартмаганча қолади, фақат у эгаллаб турган жой ендида фойдаланилмаётган деган мақом олади, яъни янги маълумотлар сақлаш учун бўш жой ҳосил бўлди. Ана шу ўчирилган маълумотнинг ўрнига янги маълумотлар ёзилгандан сўнг, телефонда ўчган файллар егаллаб турган хотирага бошқа маълумот ёзилади ва улар ёдида доимий, абадий равища ўчиб кетади.



Телефонни хотирасидан ўчирилган файлларни тиклаш мумкинлиги эҳтимолини ошириш учун иккита нарсага амал қилиш керак:

- Янги маълумотлар яратишни тўхтатиш - телефон хотирасига бошқа нарса ёзмаслик, файллар ташламаслик (агар sd-карта бўлса, унга ҳам);
- Ўчирилган файлларни имкон қадар тезроқ тиклаш.

Телефонда бажариладиган кўп нарсалар янги маълумотларни яратиши мумкин: иловаларни ўрнатиш ёки янгилаш, мусиқа юклаб олиш, фотосуратлар олиш. Шунинг учун телефонингизни интернет тармоғидан узиб қўйинг ва имкон қадар телефондан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Сўнг Android телефондаги ўчиб кетган файлларни тиклаш учун маҳсус дастурлардан фойдаланишга киришинг.

Шунингдек Androidдаги ўчиб кетган файлларни компьютер орқали тиклаш ҳам мумкин, чунки Androidда бундай дастур ўрнатилиш вақтида ўша «ёзилмаган» жойга янги маълумот ёзиб юборилиши мумкин. Сўнгги вақтларда телефонлар оператсион тизимлари жадал ўзгариб бораётганлиги туфайли,

компьютер орқали тиклаш машҳурлигини тобора йўқолиб бормоқда, гарчи у ишончлироқ бўлсада.

Androidдан ўчирилган файлларни қайта тиклаш

Бунинг учун кўп ҳам мўжиза керак емас: телефоннинг ўзи ва ўчирилган файлларни тиклаш учун дастур етарли бўлади. Аммо дастурларнинг аксарияти учун *root* ҳуқуқ (рут права, root permission) керак бўлади, уни ўрнатишда еса телефоннинг кафолати (гарантия) бузилади. Агар қурилмангизнинг кафолат муддати тугаган бўлса, унда ишонч билан суперфойдаланувчи ҳуқуқларини ўрнатиш мумкин. Лекин телефонни яқинда олган бўлсангиз, қай бири - файллар ёки кафолат муддати муҳим еканлиги ўртасида танлаш керак бўлади.

Ўчиб кетган маълумотларни қайта тиклаш учун дастурлар

Dumpster – Recycle Bin

Бу apk нинг ишлаш тамоили компьютердаги корзинага ўхшаш. Дастурга *root*-ҳуқуқ керак эмас, аммо бу дастурнинг камчилиги - фақат ушбу дастур ўрнатилгандан сўнг ўчиб кетган файлларни қайта тиклаш мумкин, яъни сиз олдин ушбу иловани ўрнатмаган бўлсангиз, унда файлларни тиклаш учун кейинги пунктга ўтаверинг.

Ушбу илова ёрдамида адашиб ўчириб юборилган файллар осонликча тикланади: илова очилади ва ўчирилган файллар орасидан қай бирини тиклаш кераклиги танланади.

GT Recovery

Ушбу дастур телефонда *root*-ҳуқуқ бўлишини талаб қиласди. Тест ўтказилаётган телефонда *root*-ҳуқулар олиб бўлинган, шунинг учун қуйида файлларни тиклаш жараёни рутланган телефонда ўтказилишини инобатга олинг. Ушбу илованинг *root* талаб қилмайдиган версияси ҳам мавжуд, аммо унинг имкониятлари чекланган.

Уни ишга туширасиз ва ўчиб кетган файллар бўлимини танлайсиз (масалан контактлар). Скан қилишни бошлайсиз. Топилган ва керакли бўлган контактларни тиклайсиз.

Дастурни юклаш учун QR:



Дастурни androidda юклаш учун QR:



Undelete

Android телефондаги нарсаларни тиклаш учун яна бир дастур, бунга ҳам root керак. Бажариш керак бўлган амаллар кетма-кетлиги:

QR манзили бўйича иловани юклаб олинг. Дастур ўрнатилиб бўлингач, унга кириб, тиклаш керак бўлган маълумот турини танланг. Масалан файллар ёки SMS.

Кейинги босқичда қайси хотирани скан қилиш кераклиги сўралади. Бунда телефоннинг ички хотираси ёки SD карта танланади. Кейин скан қилиш чуқурлиги даражасини танлаш керак, мазкур ҳолатда *глубокое сканирование* танланган. Кейинги босқичда қайси форматдаги файллар бўйича излаш кераклиги сўралади, масалан ўчиб кетган расмларни тиклаш учун .jpg, .png, .gif, видеолар учун .mp4 ва бошқа форматлар бўлиши мумкин. *Сканировать* тутмаси босилгач, скан қилиш жараёни бошланади. Маълум муддат ўтгач, экранга топилган натижалар чиқариб берилади. Бундан ташқари, тестдан ўтмаган, лекин яхши тавсияларга ега бўлган бошқа дастурлар тўплами ҳам мавжуд. Юқоридаги иловалар иш бермаган бўлса, уларни кўллаб кўриш мумкин:

iCare Recovery - (компьютер учун).

Дастурни юклаш учун QR:



Дастурни юклаш учун QR:



Телефон хотирасидан ўчиб кетган маълумотларни тиклаш учун компьютер дастурлари

EaseUS Mobisaver for Android Free

Бу android смартфон ва планшетлардан ўчиб кетган расмларни ва бошқа файлларни қайтариш учун бепул дастур ҳисобланади. Дастур ишлаши учун телефонда root-ҳукуқлар олинган бўлиши керак. **QR** манзили бўйича иловани юклаб олинг.

Ушбу дастур фойдаланувчилар томонидан текшириб кўрилган ва у файлларни муваффақиятли тиклаши исботланган, у Windows OS да ишлади. Расмий сайтида юқорида келтирилган ҳавола бўйича дастурдан қандай фойдаланиш кераклиги хақида

Дастурни юклаш учун QR:



инглиз тилида маълумот келтирилган. Матн содда ва расмлари билан бўлганлиги сабабли, уни тушуниб олиш қийин бўлмайди, бошқа ҳолларда google таржимонидан фойдаланиш ёрдам беради.

SD картадан ўчиб кетган файлларни тиклаш

Агар телефондан ўчиб кетган маълумотлар SD карта ёки бошқача қилиб айтганда «флешкада» сақланган бўлса, бу ҳолда уларни тиклаш анча осонроқ бўлади. Албатта бунинг учун компьютер керак. Енг машхур ва бепул дастурлардан Recuva ёки TestDisk утилитасини келтириб ўтиш мумкин. Агар компьютерингиз бўлмаса, юқоридаги иловалар ҳам буни эплай олади.

SD-картани компьютерга оддий флешка каби уланг, сўнг ўрнатилган утилита билан уни скан қилинг. Тикланган маълумотларни сақланг ва бекап қилиб туришни унутманг.

Android ўчирилган файлларни Rootсиз қайта тиклаш

Баъзи фойдаланувчилар маълумотларни rootсиз тиклаш мумкинми деган савол беришади, аммо афсуски, бундай ҳуқуқсиз муваффақият эҳтимоли жуда паст бўлади. Ўчирилган файллар файл тизимининг фақат root ҳуқуқига эга бўлган ҳолда кириш мумкин бўлган қисмида сақланади.

Шундай қилиб, агар сизга ўчирилган файлларни қайта тиклаш ўта зарур бўлса, телефонингизга root ҳуқуқ беринг. Ўчирилган маълумотларни қайта тиклаш якунлангандан сўнг, хавфсизлик чораси сифатида уни исталган вақтда ўчириб ташлашингиз мумкин бўлади.

Мустақил тайёргарлик: Ўзингизни папкангизни яратинг, уни архив қилинг ва парол билан ҳимоя қилинг. Папкани ўчиринг ва уни қайта тиклашни амалий бажариб кўринг.

5-МАВЗУ. ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛЛАРДА ФОРМУЛАЛАР ВА ЙИГИШ ФУНКЦИЯЛАРИ. (амалий машғулот-2 соат)

Режа:

1.Электрон жадвалда маълумотларни ҳимоялаш, формула ва саҳифаларни яшириш.

2.Жиноятларнинг статистик таҳлили.

1-савол. Электрон жадвалда маълумотларни ҳимоялаш, формула ва саҳифаларни яшириш.

Excel 2010 дастурида ишчи саҳифани ҳимоялаш учун Сервис => Защита => Защитить лист (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Защитить лист) кетма-кетлиги бажарилади. Ҳимоядан кейин саҳифадаги ячейкаларга ўзgartiriшлар киритиб бўлмайди. Аммо, ҳар доим ҳам саҳифадаги барча

ячейкаларини ҳимоялашга зарурият бўлмайди. Баъзи ячейкалар ҳимояланмаслиги учун улар белгиланиб, Формат менюсидаги Ячейки банди (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Формат ячеек) танланади. Натижада Формат ячеек ойнаси пайдо бўлади ва унинг Защита бўлагидаги Защищаемая ячейка номли майдондан белги олиб ташланади, сўнгра саҳифа ҳимояланади. Excelда алоҳида ячейкалар ҳимояланганлигини кўрсатувчи бирор белги йўқ, шунинг учун бу ячейкаларни бирор ранг билан ажратиш мумкин.

Саҳифа ҳимоясини бекор қилиш учун Сервис => Защитить => Снять защиту листа (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Снять защиту листа) буйруғи танланади.

Формула ва саҳифаларни яшириш. Баъзи ҳолларда ишлатилаётган формуулаларни яширишга тўғри келади. Буни амалга ошириш учун:

- керакли ячейка белгиланади;
- Формат => Ячейки (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Формат ячеек) кетма-кетлиги танланади ёки Ctrl+1 тугмалар босилади;
- Формат ячеек ойнасидаги Защита бандидаги Скрыть формулы майдонига белги қўйилади;
- Сервис => Защита => Защитить лист (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Защитить лист) кетма-кетлиги бажарилади;
- Защита листа мулоқат ойнасидаги Содержимого майдонига белги ўрнатилади.

Агар яширилган формула жойлашган ячейкалар фаоллаштирилса, формула сатрида формула кўринмайди, бироқ ҳисоблар натижаси аксланади.

Бутун саҳифани кўринмас ҳолга келтириш мумкин. Бунда саҳифадаги барча маълумотлар сақланади, бироқ саҳифа кўринмайди. Бу режимга Формат => Лист => Скрыть (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Скрыть или отобразить => Скрыть лист) кетма-кетлигини бажариш орқали ўтилади.

Бошлиғич ҳолатга қайтиш Формат => Лист => Отобразить (Excel 2010: Главная => Ячейки => Формат => Скрыть или отобразить => Отобразить лист) буйруғи билан бажарилади.

Топшириқ-1. Қүйида келтирилган жадвални ҳосил қилинг, бўши ячейкаларни формалалар ёрдамида ҳособлаш орқали тўлдиринг ва ҳимоя ўрнатинг:

№	Жиноят турлари	2020 й.			2021 й.			Ўсиш\ Камайиш	
		Рўй. олинган	Очилиган	Очилимаган	Рўй. олинган	Очилиган	Очилимаган	Сонда	%
1.	Талончилик		23	34	62	30			
2.	Ўғрилик	24	15		30	26			
3.	Контрабанда	2	1		3	2			
4.	Товламачилик	22		4	30	21			
5.	Пора	5	3			5	3		
6.	Наркотиклар	3	2		4		1		
7.	Босқинчилик	5	4		7	4			
Жами:									
Энг кичик қўрсаткич:									
Ўртacha қўrсаткич:									
Энг юқори қўrсаткич:									

2-савол. Жиноятларнинг статистик таҳлили.

Жадваллар оддий, гурухли ва комбинацион бўлиши мумкин. Оддий жадваллар: рўйхатли, худудий ва хронологик бўлади. Рўйхатли оддий жадваллар тадқиқотнинг ягона объектини ҳосил қилувчи оддий бир турдаги белгилардан иборат.

ИИОлари ходими турли ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашда статистик жадвалларга асосланган таҳлилий маълумотномалардан фойдаланади. Жадвал шаклида ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштириш учун жадвал процессорлари каби дастурий воситалар яратилган. Улар электрон жадвалларни қуриш, унга статистик маълумотларни киритиш, графиклар ва диаграммалар билан изоҳланиши мумкин бўлган статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Жадвал процессорларида ҳажми катта бўлмаган маълумотлар базасини юритиш, унда маълумотларни тезкор қидириш ва саралашни амалга ошириш, натижаларни қулай қўринишида ифодалаш имконияти мавжуд.

Жадвал шаклида ифодаланган турли жиноятлар қўрсаткичларининг йилдан йилга ўзгариб бориши, уларнинг ўсиш ёки камайиш даражаси жиноятчилик ҳолатининг вақт бўйича ўзгариш динамикасини белгилаб

беради. Бунинг асосида айрим турдаги ортиб бораётган жиноятларга қарши самарали кураш чораларини белгилаш, уларни олдини олиш бўйича қарорлар қабул қилиш мумкин бўлади.

Топшириқ-2. Қўйидаги жадвални ҳосил қилиниг ва тегишли ҳисоблаши амалларини бажариши орқали бўши ячейкаларни тўлдиринг:

№	ҚР, Тошкент шаҳри ва вилоятлар	2022 йилнинг I-чораги				Жами
		Тоъзумчилик	Ўзирлик	Пора	Наркомиклар	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	31		46	35	184
2	Тошкент шаҳри	39	178	37		288
3	Тошкент вилояти	47	186		15	265
4	Сирдарё		124	35	26	214
5	Жиззах	31	142	48	18	
6	Самарқанд	28		51	21	196
7	Навоий	15	87	27		178
8	Бухоро		126	42	18	202
9	Хоразм	41	161		11	245
10	Фарғона	18	148	31	16	
11	Андижон	21	128	26		188
12	Наманган	26	165		19	239
13	Қашқадарё	29	128	54		252
14	Сурхондарё		135	45	28	231
Жиноятларнинг ўртача кўрсаткичи						

Марҳамат ушбу топшириқни бажаринг!

Хулоса

Амалий машғулотга якун қилиниб, тингловчиларнинг саволларига қисқача жавоб берилади ва кейинги амалий машғулотга тайёргарлик қўриб келиш учун тингловчиларга керакли вазифалар берилади.

Мустақил тайёргарлик:

1. Excel электрон жадвали вазифаси ва имкониятлари нимадан иборат?
2. Excel дастурида жадвални таҳрирлаш қандай амалга оширилади?
3. Ячейкадаги маълумотни таҳрирлаш қандай амалга оширилади?
4. Электрон жадвалнинг ҳар бир ишчи саҳифасида бир нечта жадвал ҳосил қилиш мумкинми?
5. Excel дастурида ҳисоблаш амаллари қандай бажарилади?
6. Excel дастурида формула қандай ўзгартирилади?
7. Excel дастурида стандарт функциялар қандай вазифаларни бажаради?
8. Жадвал қўринишидаги маълумотларни қайта ишлашда Excel дастури қандай қулайликларга эга?
9. Excel дастурида статистик таҳлил қандай амалга оширилади?

Мавзулар юзасидан саволлар:

Ахборот сўзининг маъноси нима?

Ахборот технологияси нима?

Жамиятни ахборотлаштириш деганда нимани тушунасиз?

Қўйидаги қайси касб эгалари АТ мутахассислари хисобланади?

Интеграция сўзининг маъноси нима?

Ўзбекистон Республикаси хукumat портали саҳифани айтинг?

Ахборот қарама-қарши турларини айтинг?

Ахборот урушининг мақсадлари?

Ахборот уруши атамаси илк бор 1967 йил тилга олинган бу иборанинг муаллифи ким ва қайси давлага қаршиахборот урушини бошлаган?

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш нима?

Қандай операцион тизимлар бор?

Ахборот уруши белгилари қанақа?

Ҳужум қилувчи ахборот қуроли деб нималарни ҳисоблаш мумкин?

Ахборот технологиялари мажмуига нималар киради?

Хакерликни ривожланишига сабаб нима?

Киберхавфсизликни қандай таъминлашимиз мумкин?

Фарминг(pharming) нима?

Спам нима?

Компьютер вируси бу нима?

“White hat” сўзи кимларга нисбатан ишлатилади?

“DARKNET” нима?

Қачон “Блокчейн” концепцияси 1-криптотекал биткоиннинг ишлаш тамойилини тавсифляганда пайдо бўлди?

Блокчейн нима?

GMiner нима?

Phoenix дастур жуда самарадор ишлайдиганлар қаторига киради ва иш унумдорлигини неча % га қўтариш имконини беради?

Криптовалютанинг неча хил тури мавжуд?

Биринчи криптовалюта биткоин 2009 йилларда ким томонидан тақдим этилди?

Litecoin (Лайткойн) деб номланган криптовалютани қўпинча нима деб ҳам атайлайдилар?

Zcash - бу ким томонидан ишлаб чиқилган?

ГЛОССАРИЙ

Аккаунт (Akkaunt, Account) - сўзма-сўз таржимаси “қайд ёзуви” - Компьютерда сақланиладиган фойдаланувчи тавсифи. Одатда у фойдаланувчининг тармоқдаги номи, ҳақиқий ном, парол, фойдаланувчи ҳуқуқлари ва уй каталогининг номи (агарда у бор бўлса) дан таркиб топган.

Асал тузоғи - бу ижтимоий муҳандислик ёндашувининг бир тури бўлиб, унда тажовузкор жабрланувчини хавфли романтик ёки жинсий қизиқиш уйғотади.

Ахборот - лотинча “Информатио” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўзбекчада тушунтириш, таништириш, баён этиш деган маъноларни англатади

Ахборот технологиялари (АТ) – бу усуллар тизими ва ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш йўлидир.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) - бу маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, кўрсатиш ва ундан фойдаланувчилар манбаатларини кўзлаб фойдаланиш учун бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар мажмуи.

Ахборот тизими - қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

Баитинг - бу тажовузкорнинг заарли дастур билан заарланган объектни, масалан, USB драйвери топилиши мумкин бўлган жойда қолдириш амалиётидир.

Блокчейн - бу бир-бири билан интернет орқали боғланган қўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида сақланувчи тақсимланган маълумотлар базасидир.

Дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш) - психологик таъсир кўрсатишнинг бир қўриниши бўлиб, рақиб тарафни чалғитиши мақсадида ёлғон ахборот тарқатилади. Бунда ҳақиқий ахборот билан ёлғон ахборот аралаш қўринишида бўлади.

Дискредитация (обрўсизлантириш) - омма орасида давлат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, айrim шахслар обрўсини, сиёсий ечимлар, тадбирлар аҳамиятини тушунтириш ва уларга салбий таъсир кўрсатиш.

Ижтимоий тармоқ — кириб ўзингизни шахсий профилингизни яратиш имкониятини берувчи сайт.

Иғвогарлик - маълум гуруҳлар ва шахслар томонидан давлатнинг конституцион тузумига ёки қонуний асосларига қарши ҳаракатларни амалга ошириш.

Инқирозли ҳолатларни бошқариш - асосан иқтисодий ва сиёсий соҳаларга қаратилган бўлиб, маълум гуруҳ ёки давлат қизиқишлигини кўзлайди. Аввалдан танлаб олинган шахсларга яширин кўринишида таъсири кўрсатилади.

Компьютер вируси - ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга, рухсатсиз маълумоларни ўчириш ва ўғирлаш ишларини амалга оширувчи, тизимни ишдан чиқарувчи дастур.

Криптовалюта – бу виртуал, яъни жисмонан эмас, балки рақамли тарзда мавжуд бўлган валютанинг бир қўриниши бўлиб, бунда криптография (маълумотлар махфийлиги ва яхлитлигини таъминловчи тизим) орқали криптовалютани сарфламоқчи бўлган шахсни, у ушбу ишни амалга ошириш хуқуқи бор ёки йўқлиги текшириб олинади.

Майнинг - фойдаланувчи ўз компьютери видеокартаси қувватини тегишли дастурлардан фойдаланган холда bitcoin ёки бошқа бир криптовалюта тизимини (масалан, laytkoin, ethirium, bitcoin-cash) қўллаб-қувватлаш учун тақдим этса, унинг бу ёрдами учун унга ўша bitcoin валютасининг ўзида мукофот берилади. Бундай пул топиш усули эса “майнинг” деб ном олган.

Манипуляция (омма онгини бошқариш) - омма онгини турли ғоялар, кўрсатмалар, мотивлар, стереотиплар, тақлид орқали субъект манфаатларига мослаштириш. Воқеликни нотўғри идрок қилиш орқали сохта, ёлғон тушунча ёки тасаввур ҳосил қилинади.

Маълумотлар базаси - ўзаро боғланган файллар гурухи.

Миш-миш гапларни тарқатиш - мавжуд бўлмаган маълумотларни тарқатиш. Асосан давлат ва жамиядаги бўшлиқ жойларга асосий зарба берилади ҳамда сиёсий ва маънавий етук бўлмаган шахслар объект сифатида танлаб олинади.

Омма диққатини жалб этиш - бирор воқеа, ҳодиса, иш юзасидан хуқуқий маълумот панада қолдирилади, шов-шувга сабаб бўладиган тадбирлар амалга оширилади.

Социал инженерия (ижтимоий муҳандислик) - одамларни ўzlари билмаган одам учун одатда қилмайдиган нарсаларни қилишга мажбурлаш санъати.

Смишинг - бу алоқа воситаси сифатида матнли (СМС) хабарлардан фойдаланадиган фишинг хужуми. Заарли URL манзилларини босиш ёки

боғланиш учун телефон рақамларини тақдим этиш орқали бу хужумлар одатда курбонларидан тезкор чоралар кўришни талаб қилади.

Спам - қабул қилиш хохиши бўлмаган шахсларга тижорат, сиёсий ва реклама кўринишидаги хабарларни (ахборотларни) оммавий тарқатилиш.

Тарғибот - омма онгига ОАВ ёрдамида маълум ғояларни тарқатиш ва оммалаштири.

Тухмат (бўхтон)-бирор объектни обрўсизлантириш, шаънини булгаш мақсадида ёлғон маълумотларни тарқатиш.

Фитна - махсус ахборот харакати бўлиб рақиб муваффақиятсизликка (мағлуб бўлиш) олиб борувчи вариантни танлашга мажбурланади.

Фарминг(pharming) - соxта сайтлар орқали фойдаланувчилар маълумотларини ўғирлаш.

Фишинг (phishing) - кибержиноятчилар томонидан фойдаланувчиларнинг конфиденциал маълумотларини (кредит карта маълумотларини, фойдаланувчи номларини, пароллар ва бошқалар) тўплаш учун фойдаланиладиган интернет фирибгарлигининг кўриниши.

Хакер – ўтган асрда компьютер билимдонига нисбатан ишлатилган. Оддий фойдаланувчидан фарқли, хакер буйруқлар сатридан фойдаланади. Тизимларни яхши тушуниб, камчилигини топадиган фойдаланувчи.

Электрон тижорат - ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат қўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти.

Ҳэштеглар - ижтимоий тармоқларда бирор нимани излашни осонлаштириш учунгина қўлланади.

Brandmauer (firewall) - ички тармоқ билан ташқи тармоқ ўртасига жойлаштириладиган, хусусий тармоқларга рухсатсиз киришлар ва хужумларни бартараф этиш учун ишлатиладиган аппарат ва дастурий таъминот.

Bitcoin - биринчи криптовалюта.

DARKNET - оддий фойдаланувчи кира олмайдиган, ёпиқ тармоқ.

Litecoin (Лайткойн) - дунёдаги энг оммалашган криптовалюталар турларидан бири ҳисобланади. Litecoиннинг махсус яратилган сайтида уни кўпинча «рақамли валюта» деб ҳам атайлайдилар.

2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон, 2022 йил 22 сентябрдаги “Жамоат хавфсизлигнни таъминлаш ва жиноятчиликка карши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-379-сон Қарорлари ҳамда 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 5 майдаги «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон, 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарори асосида тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-П-сон).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сонли “Киберхавфсизлик тўғрисида” ги Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиха бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5120-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартағи «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг реал секторига янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2158-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ 3832-сон Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ 3926-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ВМҚ-22-сон Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. **Ш.М. Мирзиёев.** Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
2. **Ш.М. Мирзиёев.** Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 104 б.
3. **Ш.М. Мирзиёев.** Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
4. **Ш.М. Мирзиёев.** Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. **Ш.М. Мирзиёев.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.
6. **Ш.М. Мирзиёев.** “Янги Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” китоби.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

1. «Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашишмуаммолари ва киберхавфсизликни та’минлашистиқболлари» МОНОГРАФИЯ Тошкент – 2020.
2. Ўзбекистон республикаси киберхавфсизлиги. Йил якуни -2019.
3. “Telekommunikatsiya/Axborot-komunikatsiya texnologiyalarida kiberxavfsizlikni ta’minlash usullari va vositalari”: xalqaro ilmiy-amaliy anjuman maqolalar to‘plami -Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022.- bet.
4. Global Cybersecurity Index (GCI) ITUPublications-2018 Кибербезопасность и управление интернетом: Документы и материалы для российских регуляторов и экспертов / Отв. ред. М.Б. Касенова; сост. О.В. Демидов и М.Б. Касенова. – М.: Статут, 2013. – с.]
5. Ch. Hadnagy. Social engineering. The science of human hacking (second edition). John Willey and Sons., Indianapolis, Indiana. 2018
6. Bielska. N.R. Kurz. Open source intelligence tools and resources handbook. 2020.
7. M. Bazzell. Open source intelligence techniques (eighth edition).
8. Крысько В.Г. Секреты психологической войны: цели, задачи, методы, формы, опыт. – Минск: 1999.

VI. Интернет сайtlари

1. <https://iiv.uz>(Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий сайти)
2. <https://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. <https://www.terabayt.uz/uz/post/2021-yilning-boshidagi-yeng-xavfli-kompyuter-virusi-malum-boldi>
4. <https://www.terabayt.uz/uz/post/qanday-qilib-internetdan-xavfsiz-foydalanish-mumkin-2-qism>
5. https://spravochnick.ru/pedagogika/informacionno-kommunikacionnye_tehnologii/
6. https://www.youtube.com/watch?v=ZqHH_VtTHy4&t=478s
7. <https://hashdork.com/uz/social-engineering/>
8. <https://www.aura.com/learn/types-of-social-engineering-attacks>
9. <https://www.upguard.com/blog/open-source-intelligence>
10. <https://comme-un-pro.fr/uz/Google-qidiruvi-bo%27lish-uchun/>
11. <https://sof.uz/uz/post/google-dan-afzalroq-bo-lgan-qidiruv-tizimlari>
12. <https://jizzax.uz/3990-eng-havfli-huruzh-bu-ahborot-huruzhidir.html>

МАРУПОВ ЭРКИНЖОН ЭЛЬМИРОВИЧ

**ИИОЛАРНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ БЎЛИМ БОШЛИҚЛАРИ,
ТУМАН (ШАҲАР ТАРМОҚ) ИИО БОШЛИҒИННИНГ ЎРИНБОСАРИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСИ ЎҚУВ ДАСТУРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Муҳаррир: Н.З. Тасимов

Босишига руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 4.

Буюртма № _____. Адади 10 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27^a-уй.